



Сув китоб
тўплами

2 - китоб

Сувдан фойдаланиш тартиби

 Agrobank

 Agrobooks



**Fermerlar
Maktabi**

edu.fermermaktabi.uz **онлайн ўқув** **платформаси**



edu.fermermaktab.uz



1319



[fermerlarmaktabi](https://t.me/fermerlarmaktabi)



[fermermaktab_uz](https://t.me/fermermaktab_uz)



Сув китоб тўплами

2-китоб

Сувдан фойдаланиш тартиби



Тошкент 2025 йил

*Сувга муносабат ўзгармас экан, ҳосилдорликни
ошириш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.*

Ш.МИРЗИЁЕВ.

Ҳурматли фермерлар, сувчи ва мироблар!

Бугунги кунда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи бутун дунёда тобора долзарб бўлиб бормоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалигида сувдан самарали фойдаланиш нафақат ҳосилдорликни ошириш, балки экологик мувозанатни сақлаш, тупроқ унумдорлигини ҳимоя қилиш ва келажак авлод учун сув захираларини асраб-авайлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан «Агробанк» АТБ томонидан мамлакатимизда сув хўжалигини янада ривожлантириш мақсадида сув лойиҳалари маркази ташкил этилди. Шу билан бирга фермер ва сувчиларнинг малакасини ошириш, уларнинг хорижий билим ва кўникмаларга эга бўлиши учун «Сувчилар мактаби» фаолияти йўлга қўйилди. Сув тежовчи технологияларни жорий қилишни молиялаштириш мақсадида эса suvkredit.uz шаффоф онлайн платформа шакллантирилди.

Қўлингиздаги ушбу китоб аграр соҳада сувдан оқилона фойдаланишнинг илмий ва амалий жиҳатларини ўз ичига олган ҳолда, деҳқон-фермерлару боғбонлар, томорқасида зироатчилик билан машғул бўлган фуқаролар, сув хўжалиги мутахассислари ва барча қизиққан шахслар учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз. Унда замонавий суғориш технологиялари, сув тежаш усуллари, инновацион ёндашувлар ва халқаро тажрибалар тўғрисида ўта зарур маълумотлар ва тавсиялар жамланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш фақат технологик ёндашув билангина чекланмай, балки инсоннинг онгли муносабатига ҳам боғлиқдир.

Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Сув текин эмас» деган ғояни чуқур англашимиз даркор. Зотан, сувни тежаш маданиятини шакллантириш, уни исроф қилмаслик ва ҳар бир томчини қадрлаш ҳаётимиз сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Ушбу китоб барча соҳибкорлар учун фойдали илмий ва амалий манба бўлиб, қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга ҳисса қўшишига аминмиз.

Давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётган сув масаласи янада мураккаблашиб бораётган бугунги кунда бизнинг «Агробанк» АТБ жамоаси ҳам сизга кўмакдошдир

**Эркин Кахоров,
“Агробанк” АТБ Бошқарув раиси**

ЛОЙИҲА ҒОЯСИ ВА ТАШАББУСКОРЛАРИ:



OZBEKISTON
RESPUBLIKASI
SUV XO'JALIGI VAZIRLIGI



Agrobank



TIQXMMI
MILLIY TADQIQOT UNIVERSITETI

Тузувчилар:

Ш.Р. Хамраев – Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим;

Х.Х. Ишанов – “Агробанк” АТБ маслаҳатчи-эксперти, техника фанлари номзоди, катта илмий ходим;

Р.Ж. Қаршиев – Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазир ўринбосари, Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим;

З.Э. Ишпулатов – Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазир ўринбосари, техника фанлари бўйича фалсафа доктори;

Д.Б. Кдирбаев – Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бошқарма бошлиғи.

Тақризчи:

У.Норкулов– Тошкент давлат аграр университети “Деҳқончилик ва мелиорация” кафедраси профессори.

Муҳаррир:

Т.Долиев - “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали бош муҳаррири.

Мазкур қўлланма “Агробанк” АТБ ташаббуси билан тайёрланди ҳамда нашр эттирилди. Билдирилган фикр-мулоҳаза, хулоса ва тавсиялар учун тузувчи муаллифлар масъулдир.

Сувхўжалигини илмий қўллаб-қувватлаш ҳамда сув тежамкор технологияларни кенг жорий қилишга қаратилган лойиҳалар доирасида 30 та қўлланмадан иборат «Сув китоб» тўплами тайёрланди. Ушбу тўпланда қишлоқ хўжалигида сувни тежовчи технологиялар ҳамда автоматлаштирилган суғориш тизимлари ва бошқа инновацион ечимлардан фойдаланиш бўйича кенг қамровли маълумотлар жамланган. Шунингдек, замонавий ёндашувлар ва илғор хорижий тажрибалар мисолида сув ресурсларини самарали бошқариш ва фойдаланиш бўйича тавсиялар келтирилган.

«Сув китоб» тўплами қишлоқ хўжалигида сувдан оқилona фойдаланиш орқали ҳосилдорликни ошириш бўйича илмий ишланмалар, амалий тадқиқотлар ҳамда инновацияларга оид қимматли маълумотларни ўз ичига олади. Зеро, сув – бебаҳо неъмат. Унинг ҳар бир томчисини асраш келажак авлодлар олдидаги бурчимиздир.

КИРИШ.....	6
1. СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ҚОНУН ВА ҚОНУНОСТИ	
ЎУЖЖАТЛАРИ	8
1.1. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” Қонуни	8
1.2.Сувдан фойдаланиш бўйича қонуности ҳужжатлари.....	9
1.3. Сув истеъмоли қоидалари ва уларни бузганлик учун жавобгарлик	10
1.4.Сувни истеъмол қилишдаги асосий камчиликлар ва муаммолар.....	16
2. СУВ ОЛИШ ВА СУВНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ	
МАЖБУРИЯТЛАР	19
2.1. Сувни махсус истеъмол қилиш ва рухсат олиш	19
2.2.Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив Давлат хизматлари порталидан фойдаланиш	19
2.3. Сув олиш ва ундан фойдаланиш бўйича шартнома	23
2.4. Сув истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги.....	26
2.5.“Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги	28
3. СУВ ОЛИШ ВА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ.....	31
3.1.Қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва уларни суғориш режимлари	31
3.2. Сувдан фойдаланиш режаси.....	33
3.3. Сув олиш лимити ва уни тасдиқлаш тартиби	34
3.4. Сув олиш тартиби	36
3.5. Экин майдонини суғоришга тайёрлаш	39
3.6. Сувчиларнинг вазифаси ва уларга зарур шарт-шароитлар яратиш.....	40
3.7.Сувдан самарали фойдаланиш, тунги суғориш	44
4. СУВНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИНИ ЮРИТИШ	51
4.1.Сувнинг кундалик мониторингини юритиш	51
4.2.Сувдан фойдаланиш бўйича ҳисоботлар юритиш.....	56
ҲУЛОСА ВА ТАВСИАЛАР	57
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	59

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Орол денгизи ҳавзасида жойлашган бўлиб, глобал иқлим ўзгариши натижасида сув ресурсларининг борган сари камайиши кузатилмоқда.

Хусусан, кейинги 10 йилда республикада жами сув ресурси ўртача 64 млрд м³ атрофида бўлган бўлса, кейинги уч йил давомида унинг миқдори 10–14 фоиз, қишлоқ хўжалигида фойдаланилган сув ресурси эса 12–16 фоиз миқдорида кам бўлган.

Ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистонда сувнинг умумий тақчиллиги 2030 йилга бориб 7 млрд куб метрни, 2050 йилга бориб эса 15 млрд куб метрни ташкил қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 68–модасида “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”, деб белгиланган.

Конституциянинг **59-моддасида** эса – “Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар”, деб белгиланган.

Демак, республикамизнинг ҳар бир фуқароси умуммиллий бойлигимиз бўлган сувдан оқилона фойдаланиши лозим.

Афсуски, фермер хўжаликлари ва бошқа сув истеъмолчилари билан “Сувчилар мактаби” ва жойларда ўтказилган мулоқотларда уларнинг сувдан фойдаланиш бўйича Қонун ва қонуности ҳужжатлари, уларда белгиланган тартиб ва қоидалар, хусусан, ўз мажбуриятлари, сувдан фойдаланиш

қоидалари бузилган тақдирда қонунчиликда белгиланган чоралар тўғрисида билим ва кўникмаларининг етишмаслиги маълум бўлмоқда.

Натижада, айниқса сув хўжалигининг қуйи бўғинида сувдан фойдаланишда жиддий камчиликлар ва муаммолар кузатилмоқда.

Хусусан, сувдан фойдаланиш бўйича тартибга тўлиқ амал қилмаслик, сувдан рухсатномасиз ва шартнома тузмасдан фойдаланиш, экин майдонларини суғоришга сифатсиз тайёрлаш, сувни исроф қилиш, коллектор-дренаж тармоқларига ташлаб қўйиш, сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий қилишга етарли эътибор бермаслик ва бошқа камчиликлар содир бўлмоқда.

Бу эса ўз навбатида кузатилаётган сув тақчилигининг салбий таъсирини юмшатиш бўйича кўрилаётган чоралар самарадорлигини ошириш имкониятларини пасайтирмоқда.

Мазкур китоб фермер хўжаликлари ва бошқа сув истеъмолчилари ҳамда қуйи бўғиндаги сув хўжалиги ходимларининг билим ва кўникмаларини ошириш, шунингдек, республикамизда кузатиладиган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш ва сувдан оқилona фойдаланишга кўмаклашади.

Китоб сувдан фойдаланиш тартиби бўйича қабул қилинадиган янги Қонун ва қонуности ҳужжатлари ҳамда фермер хўжаликлар ва бошқа китобхонлар томонидан берилган таклифлар асосида такомиллаштириб борилади.

1. СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ҚОНУН ВА ҚОНУНОСТИ ҲУЖЖАТЛАРИ

1.1. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” Қонуни

Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади.

Ўз эҳтиёжларини қондириш учун сув объектидан ёки сув хўжалиги объектидан сув ресурсларини белгиланган тартибда оловчи юридик ёки жисмоний шахс – **сув истеъмолчиси** ҳисобланади.

Мазкур Қонуннинг:

21¹-моддасига кўра – фермер хўжаликлари, агрокластерлар ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўллаган ҳолда амалга ошириладиган сув истеъмоли **махсус сув истеъмоли** ҳисобланади.

27-моддасига кўра – сувни махсус истеъмол қилиш **рухсатнома асосида** амалга оширилади;

30-моддасига кўра – республикамизда **сув олиш лимитлари** барча сув истеъмолчиларига нисбатан белгиланади.

30¹-моддасига кўра – юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги сувга доир муносабатлар **шартнома** асосида тартибга солинади.

49-моддасига кўра – сувни **фақат рўйхатдан ўтказилган, сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланган сув ажратиш жойларидан** (каналларнинг сув олиш иншооти, қудуқ, насос станцияси (агрегати) ва бошқа сув олиш иншоотлари) **шартномавий асосда олишга рухсат берилади.**

Қонунда сувдан фойдаланиш бўйича бошқа масалалар ҳам белгиланган.

1.2. Сувдан фойдаланиш бўйича қонуности ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор қонуности ҳужжатлари қабул қилинган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги 82-сон қарори билан “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида низом” тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сув олиш лимитлари бунинг учун ваколатли бўлган ташкилотлар томонидан белгиланади ҳамда барча сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари учун мажбурий ҳисобланади.

Сув истеъмолчиларининг **сув олиш лимитлари халқ депутатлари туман Кенгашлари** томонидан тасдиқланади.

Сув истеъмоли, ҳар йилги сув билан ҳақиқий таъминланганлик ҳисобга олинган ҳолда, **сув истеъмоли режалари** асосида амалга оширилади.

Сув истеъмолчилари билан уларга хизмат кўрсатувчи ташкилот ўртасидаги сувга доир муносабатлар шартнома асосида тартибга солинади.

Сув истеъмоли учун сув ресурсларини олиш фақат хизмат кўрсатувчи фойдаланиш ташкилотлари билан келишган ҳолда, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган сув истеъмоли тўғрисидаги **шартнома мавжуд бўлган тақдирдагина** амалга оширилади.

Сув истеъмолчиларининг бош сув олиш жойлари сувни бошқариш ва ҳисобга олишнинг тегишли воситалари билан жиҳозланган бўлиши ҳамда доимо соз иш ҳолатида бўлиши зарур.

Сув истеъмолчилари Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 апрелдаги 174-сон қарори билан тасдиқланган “Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги низом” га мувофиқ бош сув олиш жойида сувнинг ҳисобини ва мониторинги юритади.

1.3. Сув истеъмоли қоидалари ва уларни бузганлик учун жавобгарлик

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби бузилган ҳолатларда Қонун ва қонуности ҳужжатлари билан бир қатор **таъсир чоралар** ҳам белгиланган. Хусусан:

Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг:

115-моддасида сув тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши;

117-моддасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, қишлоқ хўжалиги кооперативлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари ва фуқаролар сув тўғрисидаги қонунчиликни бузиш натижасида **етказилган зарарларни** қонунчиликда белгиланадиган миқдорда ва тартибда **қоплашлари шартлиги**;

118-моддасида корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар зарар харажатларини тўлашида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар белгиланган тартибда **моддий жавобгар** бўлиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодексининг **74-моддасига** кўра:

Табиий сув оқимлари (жилғалар, сойлар, дарёлар ва бошқалар), сув ҳавзалари (кўллар, денгизлар) ва бошқа табиий сув

объектларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва **сув истеъмоли қоидаларини, сув олиш лимитларини бузиш**, сувларнинг ҳамда сув объектларининг ҳолатига таъсир кўрсатувчи гидротехника ишларини ва бошқа ишларни ўзбошимчалик билан бажариш, шунингдек, лойиҳада назарда тутилган балиқларни муҳофаза қилиш иншоотлари ва қурилмалари бўлмаган ҳолда улардан сув олишни амалга ошириш – **фуқароларга** базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, **мансабдор шахсларга** эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Сунъий сув оқимлари (очиқ ва ёпиқ каналлар, коллектор-дренаж тармоқлари), сув ҳавзалари (сув омборлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар, ҳовузлар ва бошқалар) ҳамда бошқа сунъий сув объектларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва **сув истеъмоли қоидаларини бузиш**, яъни сувдан хўжасизларча фойдаланиш, сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи гидротехника ишларини ва бошқа ишларни ўзбошимчалик билан бажариш, сув объектларидан белгиланган сув олиш лимитлари, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режаларини бузиш – **фуқароларга** базавий ҳисоблаш миқдорининг **бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга** эса – **беш бараваридан ўн бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин **бир йил давомида такрор содир этилган бўлса**, – **фуқароларга** базавий ҳисоблаш миқдорининг **беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга** эса – **ўн бараваридан йигирма бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ер ости сувли қатламларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва **сув истеъмоли қоидаларини**, ер ости сувли

катламларидан **сув олиш лимитларини бузиш**, ер ости сувларидан ўзбошимчалик билан сув олиш, бундан жисмоний шахсларнинг ўз эhtiёжлари, шу жумладан, томорқа ер участкаларини суғориш учун сувдан умумий фойдаланиши мустасно, — **фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан етти бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2013 йил 19 мартдаги **82-сон қарори** билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида низом”нинг:

56-бандига кўра: **сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли ҳуқуқи** (ичиш ёки маиший истеъмолдан фойдаланиш ҳуқуқидан ташқари) **қуйидаги ҳолатларда бекор қилиниши мумкин:**

сувдан фойдаланиш ёки **сув истеъмоли** ва сувларни муҳофаза қилиш **қоидалари бузилганда** (жумладан, рўйхатдан ўтказилмаган жойлардан сув олиш, сувни бошқариш ва ҳисобга олишнинг техник жиҳатдан яроқсиз воситаларидан фойдаланиш, сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлаш, улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли бўйича сув олиш ҳисобини ва ҳисоботини мунтазам равишда юритмаслик).

60-бандига кўра сувдан фойдаланувчилар ва **сув истеъмолчиларига** нисбатан улар томонидан қишлоқ хўжалиги, балиқчилик хўжалиги, саноат, энергетика ва коммунал-маиший эhtiёжлар учун **сув олиш тартиби бузилган тақдирда:**

сувдан фойдаланувчилар ва **сув истеъмолчилари томонидан** сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозламасдан сув олиш, сув олишга рухсат этилмаган жойлардан, шунингдек, шартнома тузмасдан сув олганлик учун – **олинган ҳар минг кубометр сув** учун – белгиланган базавий

ҳисоблаш миқдорининг **30 фоизи** миқдорида;

сувдан фойдаланувчилар ва **сув истеъмолчилари томонидан** сувдан махсус фойдаланиш рухсатномасисиз сув олганлик ёки сувдан фойдаланганлик учун – **олинган ҳар минг кубометр сув** учун – белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг **40 фоизи** миқдорида;

сувдан фойдаланувчилар ва **сув истеъмолчилари томонидан** сувни ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлик учун – **олинган ҳар минг кубометр сув** учун – белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг **30 фоизи** миқдорида жарима санкциялари қўлланилади.

Бир йил мобайнида сувдан фойдаланиш ва **сув истеъмоли тартиби такроран бузилган тақдирда**, ушбу бандда кўрсатилган жарима санкциялари **ўн баравар миқдорида** қўлланилади.

Қуйидаги 1.1-жадвалда юқорида қайд қилинган қонунбузилишлар содир этилганда айбдор фуқаро ва мансабдор шахсларга нисбатан солиниши мумкин бўлган жарима ва солиқ миқдорлари кўрсатилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб сув истеъмолчилари сув истеъмоли бўйича Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга қатъий амал қилиши лозим бўлади.

Суддан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибини бузиш ҳолатларига нисбатан қўлланиладиган таъсир чоралари тўғрисида маълумот

1.1-жадвал

T/P	Сув истеъмоли томонидан йўл қўйилган тартибузарлик номи	Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан маъмурий жазима				Белгиланган жавобгарлик	Солиқ Кодексига асосан солиқ	Жазимасумма, ўртача
		фуқароларга	маъмурдор шаксларга	бир йил давомида таъсир содир этилганда				
				маъмурдор шаксларга	фуқароларга			
1	Табийй ва сунъий сув объек- тларидан олинладиган суддан фойдаланиш ва сув истеъмоли қондаларини бузиш, яъни суддан ҳужасоларга фойдала- нишнинг қўйилган тартибига тартибдорлик ташлаб қўйиш, экин майдонларини қўлатиб сугориш, сув исроф арчиллигига йўл қўйиш.	Базавий хисоблаш миқдорининг 1-3 баравари (375-1125 минг \$)	Базавий хисоблаш миқдорининг 5-10 баравари- гача (1875-3750 минг \$)	Базавий хисоблаш миқдорининг 5-7 баравари (1875-2625 минг \$)	Базавий хисоблаш миқдорининг 10-20 баравари- гача (3750-7500 минг \$)	Мазмурий жазима: Биринчи марта содир этилса, фуқароларга - ўртача 1 млн 125 минг \$, маъмурдор шаксларга - ўртача 1 млн 875 минг \$. Бир йил давомида таъсир содир этилганда фуқароларга - ўртача 1 млн 500 минг \$, маъмурдор шаксларга - ўртача 1 млн 500 минг \$ чораси қўлланилиши мумкин.		
2	Сувларнинг ва сув объектла- рининг ҳолатига таъсир этувчи гидротехника ишларини ва бошқа ишларни уушшинчалик билан бажариш.	Базавий хисоблаш миқдорининг 1-5 баравари (375-1875 минг \$)	Базавий хисоблаш миқдорининг 5-10 баравари гача (1875-3750 минг \$)	Базавий хисоблаш миқдорининг 5-7 баравари (1875-2625 минг \$)	Базавий хисоблаш миқдорининг 10- 20 бараварига 3750-7500 минг \$)			
3	Сув объектларидан белгиланган сув объект лимитларини бузиш (масалан, 20 гектар ер майдо- нини сугориш учун гектарига 1000 м ² лимитда ортқича сув олинганда).	Базавий хисоблаш миқдорининг 1-5 бараварига (375-1875 минг \$)	Базавий хисоблаш миқдорининг 5-10 баравари- гача (1875-3750 минг \$)	Базавий хисоблаш миқдорининг 5-7 баравари (1875-2625 минг \$)	Базавий хисоблаш миқдорининг 10-20 баравари- гача (3750-7500 минг \$)	Лимитдан ортқича олинган ҳар 1 м ³ сув учун солиқ ставкаси (100 \$) белгиланган солиқ ставкасининг 5 ба- рабарига таъсир содир этилганда белгиланади (500 \$).	1. Маъмурий жазима: Биринчи марта содир этилса, фуқароларга - ўртача 1 млн 125 минг \$, маъмурдор шаксларга - ўртача 1 млн 875 минг \$. Бир йил давомида таъсир содир этилганда фуқароларга - ўртача 1 млн 500 минг \$, маъмурдор шаксларга - ўртача 1 млн 500 минг \$ қўлланилиши мумкин. 2. Лимитдан ортқича олинган ўртача 20 минг м ³ сув учун қўлланган санъи: Биринчи марта содир этилганда таъсир содир этилса, 15 минг \$ қўлланилиши мумкин. 3. Буца таъсир лимитдан ортқича олган ўртача 20 минг м ³ сув учун 10 минг \$ солиқ ўлаши 4. Лимитдан ортқича олинган ўртача 20 минг м ³ сув учун жазим: Биринчи марта содир этилса, ўртача 13 млн 375 минг \$. Бир йил давомида таъсир содир этилса, ўртача 32 млн 500 минг \$ жазима ва солиқ ўлаши қўлланилиши мумкин.	
4	Суддан фойдаланиш ва сув истеъмоли режаларини бузиш.	Базавий хисоблаш миқдорининг 1-3 баравари (375-1125 минг \$)	Базавий хисоблаш миқдорининг 5-10 баравари- гача (1875-3750 минг \$)	Базавий хисоблаш миқдорининг 5-7 баравари (1875-2625 минг \$)	Базавий хисоблаш миқдорининг 10-20 баравари- гача (3750-7500 минг \$)		Мазмурий жазима: Биринчи марта содир этилса, фуқароларга - ўртача 1 млн 125 минг \$, маъмурдор шаксларга - ўртача 1 млн 875 минг \$. Бир йил давомида таъсир содир этилганда фуқароларга - ўртача 1 млн 500 минг \$, маъмурдор шаксларга - ўртача 1 млн 500 минг \$ қўлланилиши мумкин.	

5	Ер ости суви қатламларидан бирига қўйилган сув ва уларга ҳўмилдаган сув микдорининг дескриптор хисобини бериш тартиблани бузиш.	Базавий хисоблаш микдорининг 2-5 бараварига (750-1875 минг \$)	Базавий хисоблаш микдорининг 5-7 бараварига (1875-2625 минг \$)	Базавий хисоблаш микдорининг 5-7 бараварига (1875-2625 минг \$)	Базавий хисоблаш микдорининг 7-10 баравари- гача (2625-3750 минг \$)	Мазкур жадвал. Биринчи марта содир этилса: Фурорларга - ўртача 1 млн 125 минг \$, нақсидор шаскларга - ўртача 1 млн 975 минг \$. Бир йил давомида таъдор содир этилса: фурорларга - ўртача 2 млн 625 минг \$, нақсидор шаскларга - ўртача 3 млн 750 минг \$ қўлланилиши мумкин.
6	Сув объектларидан олинадиган ва уларга ҳўмилдаган сув микдорининг дескриптор хисобини бериш тартиблани бузиш.	Базавий хисоблаш микдорининг 3-5 бараварига- га (1875-2625 минг \$)	75-нодада асосан Базавий хисоблаш микдорининг 3-5 бараварига (1125-1875 минг \$)			
7	Сув ҳўжалиги, иккисоатлари ва курилаларини шиастлантн- руш.	76-нодада асосан Базавий хисоблаш микдорининг 3-5 бараварига (1125-1875 минг \$)				Мазкур жадвал. Фурор ва нақсидор шаскларга - ўртача 1 млн 125 минг \$ қўлланилиши мумкин.
8	Сув ҳўжалиги объектлари ва курилаларидан фойдаланиш қондаларини бузиш.	76-нодада асосан Базавий хисоблаш микдорининг 7-10 баравари- гача (2625-7500 минг \$)				Мазкур жадвал. нақсидор шаскларга - ўртача 2 млн 625 минг \$ қўлланилиши мумкин.
9	Сув олиш жойларини сувини бошқариш ва хисобга олиш воситалари билан жиозла- нган сув микдорининг 1000 м3 кечтар майдонини қоплатиш учун тектариға 1000 м3 сув олингада).	Олинган хяр 1000 м³ сув учун солиқ ставкасига 1,1 ошин- Рубокофировнинг 30 фоизи миқдорнда (112,5 минг \$). Бир йилда таъдор содир этилмада 10 барава қўлланиладн.				1. Олинган ўртача 20 минг м³ сув учун моливый санайи: биринчи марта содир этилса: ўртача 2 минг 200 минг \$; бир йил давомида таъдор содир этилса: 22 млн 500 минг \$ қўлланилиши мумкин. 2. Буцад таъдор олнган ўртача 20 минг м³ сув учун 2 млн 200 минг \$ солиқ тулаши мумкин. Олинган ўртача 20 минг м³ сув учун жанне биринчи марта содир этилса: ўртача 2 млн 200 минг \$; бир йил давомида таъдор содир этилса: ўртача 24 млн 700 минг \$ жадина ва солиқ тулаши мумкин.
10	Сув олишга рухсат этилмаган жойлардан, шунигдек, шартно- ма тузмадан сув олганлик (Ма- салан, 20 гектар ер майдонини суғориш учун тектариға 1000 м³ сув олнганда).	Олинган хяр 1000 м³ сув учун моливый санайи: биринчи марта содир этилса: ўртача 2 млн 250 минг \$; бир йил давомида таъдор содир этилса: 22 млн 500 минг \$ қўлланилиши мумкин.				Олинган 20 минг м³ сув учун моливый санайи: биринчи марта содир этилса: ўртача 2 млн 250 минг \$; бир йил давомида таъдор содир этилса: 22 млн 500 минг \$ қўлланилиши мумкин.
11	Рухсантасиса сув олганлик ёки судан фойдаланганлик (масалан, 20 гектар ер майдони- ни суғориш учун тектариға 1000 м³ сув олнганда).	Олинган хяр 1000 м³ сув учун моливый санайи: биринчи марта содир этилса: ўртача 3 млн \$; бир йил давомида таъдор содир этилса: 30 млн \$ қўлланилиши мумкин.				Олинган 30 минг м³ сув учун моливый санайи: биринчи марта содир этилса: ўртача 3 млн \$; бир йил давомида таъдор содир этилса: 30 млн \$ қўлланилиши мумкин.
12	Сувини убошимчалик билан эгаллаб олганлик (масалан, 20 гектар ер майдонини суғориш учун тектариға 1000 м³ сув олнганда).	65-нодада асосан Базавий хисоблаш микдорининг 5-10 бараvari- гача (3750-5625 минг \$)				1. Мазкур жадвал. биринчи марта содир этилса: фурорларга - ўртача 1 млн 975 минг \$, нақсидор шаскларга - ўртача 3 млн 750 минг \$ қўлланилиши мумкин. 2. Олинган хяр 1000 м³ сув учун моливый санайи: биринчи марта содир этилса: 2 млн 250 минг \$; бир йил давомида таъдор содир этилса: 22 млн 500 минг \$ қўлланилиши мумкин. Олинган ўртача 20 минг м³ сув учун жанне биринчи марта содир этилса: ўртача 24 млн 700 минг \$ жадина ва солиқ тулаши мумкин.

1.4. Сув истеъмолидаги асосий камчиликлар ва муаммолар

Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартда 82-сон қарорида сув истеъмоли қоидаларини бузган ҳолатлар бўйича бир қатор таъсирчан чоралар белгиланган бўлса-да, бу борада камчиликлар ва муаммолар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, аксарият ҳолларда сув олиш жойлари сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланмаган ва рўйхатдан ўтказилмаган (4.1-расм).



4.1-расм. Сув олиш жойлари сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланмаган

Кўпчилик сувни бошқариш воситалари техник носоз ҳолатда (4.2-расм).



4.2-расм. Сувни бошқариш воситалари техник носоз

Бундай салбий ҳолатлар суғоришга берилган сувнинг 10 фоизгача қисмининг исроф бўлишига сабаб бўлмоқда.

Бир қатор ҳолатларда сувдан фойдаланиш маданиятига етарли эътибор берилмаяпти ва сувдан хўжасизларча фойдаланиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда (4.3-расм).



Суғориш ишларига тажрибали сувчиларни жалб қилмаслик оқибатида берилган сувни назорат қилиш имкони бўлмай, суғориш учун берилган сувни коллектор-дренаж тармоқларига ташлаб қўйиш ҳолатлари учрамоқда (4.4-расм).



4.4-расм. Сувни коллектор-дренаж тармоқларига ташлаб қўйиш

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Сувхўжаликназорат” инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармалари

томонидан амалга оширилаётган назорат тадбирлари натижасига кўра, бугунги кунда жойларда сувни бошқариш ва бу борада ҳисоботлар юритилиши фаолиятида бир қатор камчилик ва муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Хусусан, биргина 2024 йилда ўтказилган назорат тадбирлари давомида:

- 2109 та ҳолатда рухсатномаси ва шартнома тузмасдан сув олиш;
- 3831 та ҳолатда сув олиш жойининг сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситасисиз сув олиш;
- 559 та ҳолатда сувдан махсус рухсатнома расмийлаштирилмасдан сув олиш;
- 751 та ҳолатда лимитдан ортиқча сув олиш;
- 996 та ҳолатда ноқонуний сув олиш;
- 1304 та ҳолатда экин майдонларини қўллатиб суғориш;
- 790 та ҳолатда сувни коллектор-дренаж тармоғига ташлаш ва бошқа салбий ҳолатлар аниқланиб, улар бўйича тегишлича чоралар кўрилган.

2. СУВ ОЛИШ ВА СУВНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МАЖБУРИЯТЛАР

2.1. Сувни махсус истеъмоЛ қилиш ва рухсат олиш

Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг 26-моддасига кўра **сувни махсус истеъмоЛ қилиш рухсатнома** асосида амалга оширилади. Яъни фермер хўжаликлари ва бошқа сув истеъмоЛчилари сув олиш учун махсус рухсатнома расмийлаштириши лозим.

Сув истеъмоЛчисига:

табiiй сув объектлари (дарё, сой, жилға, кўл, ер ости) **сувини махсус истеъмоЛ қилиш учун рухсатнома** ер усти сувлари бўйича – сув хўжалиги органлари билан келишилган ҳолда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари, ер ости сувлари бўйича – геология ва минерал ресурслар органлари томонидан;

сунъий сув объектлари (ирригация тизими, фермерлараро суғориш тармоқлари, коллекторлар) **сувини махсус истеъмоЛ қилиш учун рухсатнома** – туман аҳамиятига молик сув хўжалиги объектларидан “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси, туманлараро ва вилоят аҳамиятига молик сув хўжалиги объектларидан эса Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан берилади.

2.2. Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив Давлат хизматлари порталидан фойдаланиш

Сувни махсус истеъмоЛ қилишга рухсатнома расмийлаштириш

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги “Табиатдан фойдаланиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 255-сон қарори билан тасдиқланган “Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилишга рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти”да белгиланган тартибда амалга оширилади.

Рухсатнома бериш 2.1-схемага мувофиқ амалга оширилади.

Бунинг учун сувни махсус истеъмол қилувчи рухсатнома бериш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун 2.1-жадвалга мувофиқ сўровнома киритади.

Сувни махсус истеъмом қилишга рухсатнома бериш

СХЕМАСИ

2.1-схема

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	1. Сувни махсус истеъмом қилишга рухсатнома олиш учун давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат қилиш ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (ЯИАДХП) рўйхатдан ўтиш. 2. Давлат хизматлари учун йиғимни тўлаш	1. Хоҳишига кўра 2. Мурожаат қилганда
2-босқич	1. Давлат хизматлари маркази 2. ЯИАДХП	Сўровномани ваколатли органга юбориш	1. 1 соат мобайнида 2. Автоматик тарзда
3-босқич	Ваколатли орган	Рухсатнома лойиҳасини тайёрлаш, уни ўз электрон имзоси билан тасдиқлаш ва иловалар билан келишувчи органларга юбориш	5 иш куни мобайнида
4-босқич	Келишувчи органлар	Рухсатнома лойиҳасини кўриб чиқиш, келишиш ва уни ваколатли органга юбориш	5 иш куни мобайнида
5-босқич	Ваколатли орган	Келишилган рухсатномани Давлат хизматлари марказига юбориш (ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда) ёки ариза берувчига (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИАДХП орқали юбориш	3 иш куни мобайнида
6-босқич	Давлат хизматлари маркази	Ўзи келиб мурожаат қилганда рухсатномани унга ўзининг муҳрини босиб, ариза берувчига бериш.	1 соат мобайнида

**Сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш бўйича давлат
хизматларидан фойдаланиш учун СЎРОВНОМА**

6.1-жадвал

I. Ариза берувчи – жисмоний шахс тўғрисида маълумот:	
1. Ф.И.О.:	
2. Паспортга оид маълумотлар (серия ва рақам):	
3. Манзил:	
4. Кадастр иши рақами ва рўйхатга олинган санаси:	
5. Ариза берувчининг алоқа қилинадиган маълумотлари (телефон, электрон почта ва бошқалар):	
I. Ариза берувчи — юридик шахс тўғрисида маълумот:	
1. Тўлиқ номи:	
2. Ташкилий-ҳуқуқий шакли:	
3. Реквизитлари (СТИР, МФО, ИФУТ, ҳисоб рақами):	
4. Фаолият тури:	
5. Ариза берувчининг юридик манзили (индекс, манзил):	
6. Кадастр иши рақами ва рўйхатга олинган санаси:	
7. Ариза берувчининг алоқа қилинадиган маълумотлари (телефон, электрон почта ва бошқалар):	
II. Сувни махсус истеъмол қилиш манбаи ҳақида маълумот:	
1. Сув манбаи:	табiiй ер усти сув объектлари
	табiiй ер ости сув объектлари
	сунъiiй сув объектлари
2. Сувни истеъмол қилишдан мақсад:	қишлоқ хўжалиги балиқчилик
	зах қочириш
	гидроэнергетика
3. Жами сув олиш миқдори, минг м ³ /йил	

2.3. Сув олиш ва ундан фойдаланиш бўйича шартнома

Сув истеъмолчисининг сув олиш ва ундан фойдаланиш бўйича **шартнома тузиш** Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги 82-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида низом”га мувофиқ амалга оширилади.

Сув истеъмолчиси “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси (кейинги ўринларда – “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ) билан сув истеъмоли тўғрисидаги **шартномани тузиш** учун:

- сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш (аҳоли томорқа ерлари бундан мустасно) воситалари билан **жиҳозлаши**;
- сув олиш лимитлари асосида сув истеъмолининг тасдиқланган **режасини ишлаб чиқиши**;
- сувни махсус истеъмол қилиш учун берилган **рухсатномага эга бўлиши** лозим.

Сув истеъмоли бўйича шартнома белгиланган тартибда келишилган намунавий шаклда тузилади.

Шартномада **сув истеъмолчилари** ва унга **хизмат кўрсатувчи сув хўжалиги ташкилотининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари** “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Сув истеъмоли тўғрисида тузилган шартномалар “Сув етказиб бериш хизмати” ДМлари томонидан фермер ва деҳқон хўжаликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда улар хизмат кўрсатадиган зонадаги бошқа сув истеъмолчилари ва сувдан фойдаланувчилар билан тузилган шартномалар – **туманлар қишлоқ хўжалиги бўлимларида** рўйхатдан ўтказилади (2.1-расм).

Сув истеъмоли бўйича шартномавий муносабатлар

1. Сув истеъмоли бўйича шартнома расмийлаштирилади.
2. Шартнома туман қишлоқ хўжалиги бўлиmidан рўйхатдан ўтказилади.
3. Шартномалар реестрини уларнинг ижроси бўйича назорат ўрнатиш учун берилади.
4. Сув олиш учун **10 кун** олдин ажратилган сув лимити доирасида буюртманома берилади ҳамда шу асосда сув олинади.
5. Сув истеъмоли бўйича шартнома ижроси назорат қилиб бoрилади.



2.1-расм. Сув истеъмоли бўйича шартномавий муносабат


Сув истеъмоли тўғрисидаги **шартномалар реестри** белгиланган тартибда назоратни таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармаларига (сунъий сув объектларидаги сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида), шунингдек, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг тегишли органларига (табiiй сув

объектларидаги сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида) берилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги 82-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида низом”нинг 29-бандига кўра:

сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг **сув олиш жойлари паспортга эга бўлиши**, хизмат кўрсатадиган фойдаланиш ташкилотидан **рўйхатдан ўтказилган бўлиши**;

сув олиш жойлари сувни ҳисобга олиш воситалари (гидропост) билан жиҳозланиши, улар белгиланган тартибда **аттестациядан ўтказилган бўлиши** керак (7.2-расм).



2.2-расм. Очик суғориш тармоғидаги сув олиш жойи

2.4. Сув истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги

Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг **32¹-моддасига кўра**, сув истеъмолчилари қуйидаги **ҳуқуқларга** эга:

- берилаётган сувнинг миқдори ва сифатини текшириш;
- қонунчиликда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, сув истеъмоли тўғрисидаги шартнома бўйича олинмай қолган сув учун компенсация талаб қилиш;
- сув ресурсларини бошқаришга оид қарорлар қабул қилинишида иштирок этиш;
- ўз эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда сув олиш лимитларини ўзгартириш бўйича таклифлар киритиш;
- ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши, шу жумладан, белгиланган сув олиш лимитлари ва сув бериш режимига мувофиқ сув олиш ҳуқуқининг бузилиши туфайли етказилган зарарнинг ўрни қонунчиликда белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш;
- қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Шу билан биргаликда **35¹-моддага кўра** сув истеъмолчиларига қуйидаги асосий **мажбуриятлар** юклатилган:

- сув ресурсларидан оқилона фойдаланиши, сувнинг мақсадсиз истеъмол қилинишига йўл қўймаслиги, сувни тежаб сарфлаш, сувларнинг сифатини тиклаш ва яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилиши;
- белгиланган сув олиш лимитлари ва сув истеъмоли қоидаларига риоя этиши;
- сувни махсус истеъмол қилишда қонунчиликда белгиланган тартибда рухсатномани расмийлаштириши;

- ифлослантирувчи моддалар мавжуд бўлган оқова сувларни сув объектларига оқишишни тамомила тугатиш чора-тадбирларини кўриши;
- бошқа сув истеъмолчилари ва сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилишига, шунингдек, сув объектларига, хўжалик объектлари ва табиий ресурсларга (ерлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, фойдали қазилмалар ва бошқаларга) зарар етказилишига йўл қўймаслиги;
- сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаши, ички сув объектлари ва иншоотларини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаши, улардан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиши;
- олинаётган сув миқдори ҳисобини юритиши ва сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома берган органларга зарур ахборотни тақдим этиши;
- сувни тежаш чора-тадбирларини кўриши шарт.

Сув истеъмолчиларининг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув ресурсларидан фойдаланувчи сув истеъмолчилари ушбу Қонуннинг 35¹-моддасида назарда тутилган мажбуриятлардан ташқари яна қуйидаги **қўшимча** мажбуриятларга эга:

- сувни тежайдиган технологияларни ва илғор суғориш техникасини жорий этиш орқали суғориш воситалари ва усулларини такомиллаштириши;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидиялар ҳисобига ишлаб чиқилган ва жорий этилган сувни тежовчи технологияларнинг камида беш йил қўлланилишини таъминлаши;

- сувни тежаш имконини берадиган агротехника тадбирларини, шу жумладан, ерларнинг шўрини ювишда лазерли ускуна ёки узун базали ер текислагичлар ёрдамида ҳар уч йилда камида бир марта текислашни амалга ошириши;
- тупроқ унумдорлигини сақлаш имконини берадиган мелиорация тадбирларини амалга ошириши;
- суғориш учун берилган сувларнинг коллектор-дренаж тармоғига ва бошқа сув объектларига оқизиб юборилишига йўл қўймаслиги шарт.

Томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ шартнома билан белгиланади.

2.5. “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги

Сувдан фойдаланиш тўғрисидаги намунавий шартномада “Сув етказиб бериш хизмати” ДМнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги белгиланган.

Унга кўра **давлат муассасасининг ҳуқуқлари:**

“Сув истеъмолчиси” билан тузилган қўшимча келишувга асосан, сув олиш лимитларига ўзгартириш учун халқ депутатлари туман Кенгашларига таклиф киритиш (манбаларнинг сувлилиги камайган ҳоллар бундан мустасно);

- манбаларда сув ҳажми камайган ёки кўпайган ҳолатларда сув олиш лимитларига, юқори турувчи ташкилотнинг рухсати билан, сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш режасининг параметрлари ўзгартирилмасдан, тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин;

- сув истемолчиси томонидан сув олиш ҳамда олинган сувнинг ҳисобини юритишда асоссиз бош тортиш, давлат сув хўжалиги иншоотидан фойдаланиш тартиблари бузилган тақдирда;
- сув истеъмолчисини белгиланган тартибда ёзма равишда огоҳлантириш;
- сув беришни камайтириш ёки вақтинчалик тўхтатиб қўйиш;
- тартиб бузарликлар натижасида етказилган зарарни тўлаб бериш ёки сув истеъмолчисига нисбатан зарур чора кўриш юзасидан тегишли идораларга ёзма мурожаат киритиш;
- сув истеъмолчиси томонидан сувнинг ҳисоби юритилишини талаб қилиш.

Давлат муассасаси қонун ҳужжатларига ва ушбу шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Давлат муассасасининг мажбуриятлари:

- сув истеъмолчисига халқ депутатлари туман Кенгашлари қарорлари билан тасдиқланган ажратилган сув олиш лимити миқдорида ўз вақтида сув етказиб беришни таъминлаш;
- тасдиқланган лимит бўйича сувни рўйхатга олинган қуйидаги манбалардан ажратишни (беришни) амалга ошириш:
- табиий манбалар бўйича (сув олинадиган жилға, дарё, сой ва бошқалар ҳамда ер ости суви манбаи);
- сунъий манбалар бўйича (сув олинадиган очиқ ва ёпиқ каналлар, коллектор-дренаж тармоқлари, сув омборлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар, ҳовузлар ва бошқалар);
- сув истеъмолчисининг сув олиш жойларидаги сув иншоотларини сувни ўлчаш воситаларини белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилишини таъминлаш;
- манбада сув камайган ёки кўпайган ҳолларда, енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) юз берганда

ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан лимитларга ўзгартиришлар киритилганда “сув истеъмолчиси”ни ёзма равишда (авария ҳолатларида – телефон орқали) хабардор қилиш;

- манбада сув камайган тақдирда сувдан навбатлаб фойдаланиш (навбатлаб суғориш графиклари ишлаб чиқиш ва туман ҳокимлигидан тасдиқлатиш) ва сувни иқтисод қилиш бўйича бошқа чора-тадбирларни кўриш;
- ҳар куни соат 7⁰⁰ – 8⁰⁰ ва 18⁰⁰ – 19⁰⁰ да “сув истеъмолчиси”нинг ваколатли шахси билан сув бериладиган жойларда сувнинг ҳисобини юритиш ҳамда ҳар ойда ўзаро далолатнома расмийлаштириш;
- сув истеъмолчисига берилган сув ресурсларидан гидрографик принципга ёки сув ресурсларини оқилона бошқариш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш ва бошқа шартларга асосан ҳамда суғориш тармоқларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар беради.

Давлат муассасаси қонун ҳужжатлари ва ушбу шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажаради.

3. СУВ ОЛИШ ВА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

3.1. Қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва уларни суғориш режимлари

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 505-сонли қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низом”да **қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштиришда** – ҳудуднинг табиий-иқлим шароити, **зарур ресурслар билан таъминланганлиги**, етиштириладиган маҳсулотга ички ва ташқи бозордаги талаб, **қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш асосий мезон** этиб белгиланган.

Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчилар (фермер хўжаликлари, кластер ташкилотлари ёки бошқалар) **ҳар йили 1 июлга қадар «CropAgro» АТ орқали қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш бўйича таклифларни** туман (Қувасой шаҳар) ҳокимлигига киритади.

Туман (Қувасой шаҳар) ҳокимликлари қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш бўйича тегишли қарорни юқорида қайд қилинган низомда белгиланган тартибда тасдиқлайди.

Республикамининг ҳар бир ҳудуди бўйича Қишлоқ хўжалиги экинларининг суғориш режимлари ва гидромодуль районлари тасдиқланган.

Унга кўра, суғориладиган ерлар ер ости сувининг сатҳи ва тупроқ шарт-шароитидан келиб чиқиб қуйидаги гидромодуль районларга бўлинган:

Суғориладиган ерларнинг гидромуль районлари

3.1-жадвал

Гидромуль районлар	Тупроқ ҳолати
Автоморф тупроқлар (ер ости сув сатҳи ер устидан 3 м ва ундан чуқурда)	
I	Кум-шағал устида жойлашган қалинлиги кам қатламли (0,2-0,5 м) қумоқ ва қалин қатламли қумли
II	Кум-шағал устида жойлашган қалинлиги ўрта (0,5-1,0 м) қатламли қумоқ ва қалин қатламли қумоқ ва енгил қумоқ.
III	Қалин (1,0 м ва ундан ортиқ) қатламли ўрта ва оғир қумоқ ва лойли
Ярим гидроморф тупроқлар (ер ости сув сатҳи ер устидан 2-3 м чуқурликда)	
IV	Қумоқ, ўрта ва қалинлиги кам қатламли қумоқ ва лойли.
V	Қумоқ, ўрта ва қалинлиги кам қатламли қумоқ ва лойли.
VI	Оғир қумоқ, лойли, бир хил қатламли ва турли механик таркибли
Гидроморф тупроқлар (ер ости сув сатҳи ер устидан 1-2 м чуқурликда)	
VII	Қумоқли ва қумоқ, қалинлиги кам ва ўрта қатламли қумоқ ва лойли
VIII	Енгил ва ўрта қумоқ, бир қатламли, чуқурликка қараб енгилроқ оғир қумоқ
IX	Оғир қумоқ ва лойли, бир хил қатламли, турли механик таркибли қатламли

Ушбу ҳужжатда ҳар бир ҳудуднинг экин турлари бўйича суғориладиган майдонларнинг аниқ табиий ва ҳўжалик шароитларини ҳамда ўсимликнинг биологик хусусиятларини ҳамда юқори ҳосил олишни инobatга олган ҳолда суғориш ва мавсумий меъёрлари, муддатлари ва сони белгиланган.

“Сув етказиб бериш хизмати” ДМ мазкур норматив ҳужжатга, шунингдек, туман ҳокимлиги томонидан тасдиқланган қишлоқ

хўжалиги экинларини жойлаштириш бўйича маълумотга асосан сув истеъмоли режаларини ишлаб чиқади.

3.2. Сувдан фойдаланиш режаси

Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг **48-моддасига** кўра, сув истеъмоли ҳар йилги сув билан ҳақиқий таъминланганлик ҳисобга олинган ҳолда сув истеъмоли режалари асосида амалга оширилади.

Сув истеъмоли режалари “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари томонидан тузилади.

Коллектор-дренаж тармоқларида сув истеъмолини режалаштириш ерларнинг мелиоратив ҳолатини ҳамда коллектор-дренаж суви сифатини ҳисобга олиб, мелиоратив экспедициялар билан келишилган ҳолда амалга оширилади

Фермер ва деҳқон хўжаликларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва бошқа сув истеъмолчиларининг сув истеъмоли режалари “Сув етказиб бериш хизмати” ДМлари томонидан тасдиқланади.

Қонуннинг **47-бандига** кўра, сув олиш лимитлари асосида **сув истеъмолининг тасдиқланган режаси** сув истеъмоли тўғрисидаги шартномани тузишда мажбурий талаб ҳисобланади.

Сув истеъмоли режасини тузиш учун қуйидагилар асос бўлади:

- экиладиган қишлоқ хўжалиги экинларининг жойлаштирилиши;
- қишлоқ хўжалиги экинларининг суғориш режимлари ва гидромодул районлари;
- суғориш тармоғининг чизиқли схемаси ва унинг техник кўрсаткичлари (тури, узунлиги, фойдали иш коэффициенти ва бошқалар).

3.3. Сув олиш лимити ва уни тасдиқлаш тартиби

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув лимитлари олиш учун сув истеъмолчилари **куз-қиш** ва **вегетация даври бошланишидан бир ой олдин**, қишлоқ хўжалигидан бошқа эҳтиёжлар учун эса – **ҳар йили 1 сентябргача** –“Сув етказиб бериш хизмати” ДМга “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида”ги низомнинг **28-бандига** асосан қуйидагилар ҳужжатларни белгиланган тартибда тақдим этиши лозим:

- сувни махсус истеъмол қилиш учун **рухсатнома**;
- сув истеъмолининг белгиланган тартибда **тасдиқланган режаси**.

Сув олиш лимитлари сув истеъмолчиларининг қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бир йилда **икки марта** кузги-қишки (октябрь-март) ва ёзги суғориш мавсумлар (апрель-сентябрь) бўйича белгиланади ва улар учун **мажбурийдир**.

Сув истеъмолчиларининг **сув олиш лимитлари** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2024 йил 5 январдаги ПҚ-5-сон қарорига мувофиқ **халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан** туман аҳамиятига эга бўлган сув объектларидан манбалар, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича **белгиланади**.

Қишлоқ хўжалигидан бошқа эҳтиёжлар учун сув истеъмолчиларига сув олиш лимитлари йилига бир марта – **ҳар йили 1 октябргача** белгиланади.

Қишлоқ хўжалигидан бошқа эҳтиёжлар учун сув истеъмолчиларига **ер ости сувларидан сув олиш лимитлари бир марта – махсус рухсатнома амал қиладиган муддатга** белгиланади.

Сув олиш лимитлари рухсат этилган жами сув олиш миқдорини сув манбалари (дарё, сой, булоқ, сув ҳавзаси, ирригация тизими, магистрал канал (тизим) суғориш ва коллектор тармоғи, ер ости сувлари ва бошқа сув манбаи) бўйича акс эттириб, улар ҳар ўн кунликлар кесимида аниқ сув олиш жойларига тақсимланган бўлиши керак.

Сув олиш лимитларини белгилашда тармоқнинг устуворлигига ҳамда барча сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг алоҳида манбалар ва ирригация тизимлари бўйича кутилаётган сувлиликни ҳисобга олиб сув билан **тенг фоизда** таъминланишига риоя этилиши керак.

Сув истеъмолчиларининг халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан белгиланган сув олиш лимитлари “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ томонидан ҳар бир сув истеъмолчисига етказилади.

Сув истеъмолчилари уларга белгиланган сув олиш лимити доирасида ўзларининг сув истеъмоли режасини қайта ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ га етказди.

“Сув етказиб бериш хизмати” ДМ томондан тасдиқланган **сув олиш режаси сув истеъмоли бўйича шартноманинг ажралмас қисми** бўлади.

Сув олиш лимитлари **сув истеъмолчилари розилигисиз** ўзгартирилиши мумкин эмас, манбаларнинг сувлиligи камайган ҳоллар бундан мустасно.

Манбаларда сув ҳажми камайган ёки кўпайган ҳолатларда сув олиш лимитларига, юқори ваколатли ташкилотнинг рухсати билан, сув истеъмол қилиш режаси параметрлари ўзгартирилмасдан, дарҳол тузатишлар киритилиши мумкин.

Сув истеъмол қилишнинг белгиланган даври тугагандан кейин икки ой муддатда ваколатли ташкилотлар томонидан, манбалардаги сувнинг ҳақиқий миқдори ҳисобга олинган ҳолда, ўтган давр учун сув олишнинг узил-кесил лимитлари тасдиқланади.

3.4. Сув олиш тартиби

Сув олиш Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги 82-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги Низом” да белгиланган тартибда амалга оширилади.

Сув олиш фақат “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ билан келишган ҳолда, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган сув истеъмоли тўғрисидаги шартнома мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилади (1-илова).

Сув олиш фақат сув истеъмолчиларининг ёзма буюртманомалари бўйича, уларнинг сув истеъмолига тайёрлигига кўра, сув истеъмоли режаси асосида, белгиланган сув олиш лимити доирасида амалга оширилади.

Буюртманомалар сув истеъмолчилари томонидан “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ га ёки унинг ваколатли шахсига сув олиш бошланишидан **ўн кун олдин** сув олишнинг аниқ жойлари ва муддатлари (сув олишнинг бошланиши ва тугаши), шунингдек, олинadиган сув миқдори, уни истеъмол қилишнинг мақсади кўрсатилган ҳолда қуйидаги шаклда берилади (3.1-жадвал).

_____ “Сув етказиб бериш хизмати” ДМга
 _____ сув истеъмолчисининг 20__ йил _____ ойининг “___”
 санасидан “___” санасигача сув олиш бўйича

БУЮРТМАНОМАСИ

3.1-жадвал

Сув манбаи номи	Сув олиш жойининг манзили	Сувдан фойдаланиш мақсади (суғориш, шўр ювиш, нам сув бериш, балиқчилик, бошқалар)	Буюртманома берилган давр учун суғориладиган		Суғориш (кузги-қишки) мавсумида, млн м³			Навбатдаги кунлик учун талаб	
			экин тури	майдони, га	сув олиш лимити	амалда олинган сув	%	млн м³	м³/с
Жами									
_____ сув истеъмолчиси раҳбари (ёки ваколатли шахс)					_____ имзо		_____ ФИО		

Буюртманомада кўрсатилган сув ресурслари миқдори тасдиқланган сув олиш лимитидан ортиқ бўлмаслиги керак.

“Сув етказиб бериш хизмати» ДМ ўз навбатида Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларининг сув олишга рухсатномасига асосан бир кун муддатда сув истеъмолчиларига ажратилган сув олиш лимити ҳамда сув манбаининг сувлилик даражасидан келиб чиқиб сув олиш юзасидан хабарнома орқали рухсатнома беради ёки рад этади.

Сув етказиб бериш сув истеъмолчисининг сув истеъмолига тайёрлигини эътиборга олган ҳолда сув истеъмоли режасига

асосан ажратилган сув олиш лимити доирасида амалга оширилади.

Сув олиш ҳажмини камайтириш ёки тўхтатиш зарур бўлган тақдирда сув истеъмолчилари бу тўғрида тегишли “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ га ёки унинг ваколатли шахсига ёзма равишда (авария ҳолатларида – телефон орқали) хабар қилиши керак.

Сув истеъмолчилари ўзининг бош сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаши ҳамда доимо соз иш ҳолатда сақлаши керак.

Сув истеъмолчилари Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 апрелдаги 174-сон қарори билан тасдиқланган “Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги низом”га асосан олинган сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритади.

Сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш сув истеъмолчиси билан “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ ўртасида 2-иловага мувофиқ шаклда сувнинг кундалик ҳисоб журнали юритилади.

Ушбу журналнинг ҳар бир варағи тикилган ҳолда, Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

Сув истеъмолчилари (аҳоли томорқаси учун шу ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғини) ҳар куни соат 17⁰⁰ гача олинган сув миқдори ва нима мақсадда ишлатгани тўғрисидаги кунлик маълумотни тайёрлайди ҳамда ёзма ёки электрон алоқа воситаси орқали “Сув етказиб бериш хизмати» ДМ га юборади.

Олинган кунлик сув миқдори ҳар ой якуни билан “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ билан сув истеъмолчиси (аҳоли томорқаси учун шу ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғини) ўртасида таҳлил қилинади ҳамда кейинги ойнинг 5-санасигача икки томонлама далолатнома

расмийлаштирилади.

“Сув етказиб бериш хизмати” ДМ солиқ базасини аниқлаш учун: қишлоқ хўжалиги, шу жумладан балиқчилик бўйича сувни истеъмол қилувчи юридик шахслар томонидан ишлатилиши кутилаётган сув ресурслари ҳажми тўғрисидаги маълумотларни расмийлаштирилган далолатномалар асосида – ҳар йили жорий солиқ даврининг **10 декабридан кечиктирмай** сувни истеъмол қилувчи юридик шахсларга;

деҳқон хўжаликлари томонидан ишлатилиши кутилаётган сув ресурслари ҳажми тўғрисидаги маълумотларни – ҳисобот даври учун кейинги йилнинг **20 январидан кечиктирмай** тегишли солиқ органига тақдим қилади.

3.5. Экин майдонини суғоришга тайёрлаш

Экин майдонини суғоришга тайёрлаш – экинларни сифатли суғориш ва сувдан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича энг муҳим агротехник тадбирлардан биридир.

Фермер хўжалиги ва бошқа сув истеъмолчиси сув олишга буюртма беришдан олдин суғориладиган экин майдонини суғоришга сифатли тайёрлаш бўйича **қуйидаги ишларни амалга ошириши керак:**

- экин майдонига сув келадиган суғориш тармоғини лойқа ва ўтлардан сифатли тозалаб, сувни равон оқиб келишини таъминлаши;
- малакали агроном билан тупроқдаги намликни ва экиннинг физиологик ҳолатини ўрганиб ва таҳлил қилиш, экинни сувга келганини тўғри баҳолаши. Бундан анъанавий усуллардан (тупроқ бир кетмон бўйи 30–35 см чуқурликда намлигини қўлда сиқиш, куннинг энг иссиқ пайтида ғўза барги ҳолатини баҳолаш), шунингдек, намликни ўлчагич асбоблар билан тезкор аниқлаш;

- экинни сувга келишини аниқлагандан кейин 10 кун олдин сув олишга буюртма бериши;
- сув олишдан узоғи билан бир кун олдин экинларни суғориш учун эгатлар (жўяклар) олиши;
- сувни тараш учун ернинг нишаблиги ва текислиги ҳамда тупроқ механик таркибини эътиборга олиб, нишабликка перпендикуляр қилиб ҳар 50–100 метрдан шох ариқлар, ҳар 80–100 метрдан эса ўқ ариқларни олиши.
- Экин майдонининг энг қуйи қисмида ҳам шохариқ олиб, сувни коллектор-дренаж тармоғига тушиб кетишининг олдини олиш;
- шохариқлардан эгатларга (жўякларга) сув тараш учун полиэтилен плёнкаларини олдиндан захира қилиш ва бошқа ташкилий чораларни кўриш.

3.6. Сувчиларнинг вазифаси ва уларга зарур шарт-шароитлар яратиш

Халқимиз **“Сув – зар, сувчи – заргар”** деб бежиз айтмайди.

Шунинг учун фермер хўжалиги ва бошқа сув истеъмолчилар суғориш ишларига кўп йиллик тажрибага эга бўлган, суғориладиган ер майдонининг паст-баландлигини яхши биладиган, сувни қадрига етадиган моҳир-уста сувчиларни жалб қилиши керак.

Ўрта ҳисобда ҳар 5 гектар майдонга ёки 5 л/с сувга бир нафар моҳир-уста сувчи ва унга бир нафар ёрдамчи сувчини бириктириши лозим.

Энг муҳими, сув очилганда далада энг камида икки нафар сувчи бўлиши лозим.

Сувчилар қуйидаги вазифаларни сидқидиллик билан бажариши керак:

- суғориладиган экин майдонида олинадиган шохариқлар ва ўқариқлар ўрнини белгилаш;

- тракор оператори томонидан шохариқ ва ўқариқларни экин майдонида тўғри ва сифатли олинишини назорат қилиш;
- сув очишдан олдин ўқариқлар билан шохариқларни бир бирига улаши ҳамда улардан сувни оқиб экин майдонидан чиқиб кетмаслиги учун, энг охирги қисмларини тупроқ билан беркитиб қўйиш;
- эгатларни шохариқларга улаш;
- сувни ўқариқ ва шохариқларга оз-оздан очиб, уларнинг ўзанини яхшилаб захлатиш ва ён деворларини зичлаб, сув уриб кетишидан сақлаш;
- суғориш ишларини тўғри режалаштириш.

Сувчи сувни тўғри бошқариши ва далада қуруқ ерда тезкор ҳаракат қилиши ҳамда сув исрофгарчилигини камайтириш учун сувни ўқариқларга навбатлаб очиш. Бунда қуйидагиларга эътибор қаратиш:

- суғоришни дастлаб экин майдони сув олиш қулоғидан (жойидан) энг узоқда жойлашган ўқариққа сув очишдан бошлаш, суғориш якунлангандан сўнг навбат билан ундан олдинги ўқариққа очиш;
- сувни ўқариқдан бир томонга жойлашган барча шохариқ ва эгатларга очиш, экин майдонининг бўйламасига бир текис намланишини, сувдан кейин эса қатор ораларига ишлов бериш учун тупроқнинг текис етилишини таъминлаш;
- эгатлар бошини плёнка билан мустаҳкамлаш ва эгат бошини сув уриб кетишдан сақлаш;
- сувчиларни шохариқларга бириктириш, экин майдони бошидаги ва энг охиридаги шох ариқларда доим сувчи бўлишини таъминлаш;
- ўқариқ ва шохариқлар, шунингдек, эгатларда сув оқишини,

тупроқни ювилиб кетмаслиги ва текис намланишини назорат қилиш;

- экин майдонидан коллектор-дренаж тармоғига сувни тушиб кетмаслигини, уларни техник соз ҳолатда бўлишни таъминлаш;
- шарбат ўраларини ковлаш ва экинларни шарбат билан суғориш;
- сувни тежаш, экин майдонларидан сувни кўллашига ва оқова чиқмаслигини таъминлаш;
- сув очилгандан сўнг суғориш ишларини узлуксиз олиб бориш, тунда ҳам суғориш;
- суғориладиган майдонда сувчиларнинг доим бўлиши ва сувни тўлиқ назоратда ушлаш ва ҳоказо.

Фермер хўжалиги ва бошқа сув истеъмолчилари сувчиларга далада қуйидаги шарт-шароитларни яратиб бериши лозим:

- енгил конструкцияли чайла (қишда кўчма вагон ўрнатиб бериш) ёки ёзда эса дарахт остида супа қуриб бериш;
- суғориш мавсумини эътиборга олиб кийим бош билан таъминлаш (қишда – этик, фуфайка, иссиқ шим ва телпак, баҳор, куз ва ёзда – куртка, кўйлак, шим, кепка, кроссовка) (3.1-3.5-расмлар);
- кетмон, бел (эътиёжга қараб) ва фонар (ёритгич) билан таъминлаш (3.6-3.9-расмлар);
- уч маҳал иссиқ овқат бериш ҳамда экин майдонини суғориб бўлгандан сўнг ўз вақтида иш ҳақи бериш, суғориш ишларини ўз вақтида ва сифатли бажарганда ҳамда байрмаларда қўшимча рағбатлантириб бориш.



3.1-расм. Фуфайка



3.2-расм. Бош кийим



3.3-расм. Этик



3.4-расм. Енгил кроссовка



3.5-расм. Бош кийим



3.6-расм Кетмон



3.7-расм Бел курак



3.8 расм. Бошга ўрнатиладиган фонарлар



3.9 расм. Қўл фонари

3.7. Сувдан самарали фойдаланиш, тунги суғориш

Фермер хўжалиги ва бошқа сув истеъмолчилари уларга ажратилган сувдан самарали фойдаланиши учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириши тавсия этилади:

а) сувни оқилона бошқариш ва ҳисобини юритиш, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларини техник соз ҳолда сақлаш:

- бош сув олиш жойини рўйхатдан ўтказиш;
- бош сув олиш жойларини Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан тавсия этилган мустаҳкам металл конструкцияли ва сув зичлагичли сувни бошқариш воситаси билан жиҳозлаш. Бу бош сув олиш жойларида сув исрофгарчилигини 10 фоизгача камайтириш имконини беради;
- бош сув олиш жойини “Ақлли сув” қурилмали сувни ҳисобгасув” воситаси билан жиҳозлаш ҳамда “Сув етказиб бериш хизмати” ДМдан аттестациядан ўтказиш. Бу олинган сувнинг аниқ ҳисобини юритишни таъминлайди;
- ички суғориш тармоқлари ва улардаги иншоотларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш. Тупроқ ўзанли суғориш

тармоқларини сув фильтрациясига қарши бетон, темир-бетон, шунингдек, геомембрана, базальт ва бошқа материаллар билан қоплаш, ишчи ҳолатда бўлмаган темир-бетон лоток тармоқларини таъмирлаш, яроқсизларини алмаштириш. Бу суғориш тармоқларидаги сув йўқотишларни 30–40 фоизга тежайди;

- коллектор-дренаж тармоқларини гидргеологик шарт-шароит ва ернинг мелиоратив ҳолатини эътиборга олиб, ўртача ҳар 3–5 йил атрофида бир марта тозалаш, улардаги иншоотларни техник соҳа ҳолда сақлаш. Бу тупроқнинг шўрланиш даражасини пасайтиради, мелиоратив ҳолатини яхшилайдди, шўр ювишда сувни иқтисод қилади;

6) сувни тежайдиган агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш:

- кузги шудгорлаш ишларини мақбул муддатларда ва айниқса, унумдорлиги паст ерларда маҳаллий гўнг сочиб сифатли ўтказиш. Бу куз-қиш ва эрта баҳор ойларида тупроқда нам сақлайди, тупроқ ҳолати-ғоваклигини яхшилайдди, чигит ва бошқа уруғлар ҳамда кўчатларни тупроқ намига ундириб олишга кўмаклашади, сувни тежайди;
- ер майдонини лазерли ёки узун базали текислагичлар билан ҳар уч йилда бир марта жорий текислаш. Бу эгатларда сувни равон юришини ва тупроқни текис намланишини, экин майдонларида сув қўлламаслигини ҳамда сувни 20–25 фоиз атрофида тежаш имконини беради;
- шўрланган ерларни мелиоратив экспедицияларнинг илмий асосланган тавсиялари бўйича мақбул муддат ва сув меъёрлари билан сифатли ювиш. Бу тупроқ шўрланиш даражасини пасайтириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, чигит ва бошқа

уруғларнинг ҳамда кўчатларнинг бир текис униб чиқишини ҳамда экинларни яхши ривожланишига ва ҳосилдориликнинг ошишига ижобий таъсир кўрсатади;

- экин майдонини мақбул муддатларда чизел-барона қилиш, мола босиш ҳамда экишга сифатли тайёрлаш. Бу тадбир тупроқни майин қилади, намни сақлайди, чигит ва бошқа уруғларни ҳамда кўчатларни текис униб чиқишини таъминлайди, сувни тежайди;
- экин қатор ораларига ишлов бериш, культивация, чопик, ягоналаш, ўтоқ қилиш ва бошқа агротехник тадбирларни мақбул муддатларда оби-тобида ўтказиш. Бу тупроқда намни ва минерал ўғитларни сақлаш, экинлар ривожаланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш имконини беради;
- бегона ўтларга, айниқса, печак, саломалайкум, кўп йиллик – ажриқ, қамиш ва ғумой каби бегона ўтларга қарши курашиш. Бу тупроқда намни ва минерал ўғитларни тежайди, ҳосилдорликни оширади, айниқса томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган майдонларда юқори самарали бўлади;

в) суғориш ишларини сифатли ўтказиш:

суғоришга тайёрланган майдонларда **анъанавий (эгатлаб)**

суғориш усулидан фойдаланганда:

- эгатларни (жўякларни) сифатли олиш, ўрта ва оғир механик таркибли ерларда қатор оралатиб, енгил механик таркибли ерларда эса экиннинг сувга талабини қондиришни эътиборга олиб суғориш;
- эгатлар охирини тупроқ билан беркитиш ёки экин майдони охирида олинган шохариққа тушган сув йўлларини қайтариб, сув чиқмаган эгатларга тараш;
- сувнинг коллектор-дренаж тармоғига тушиб кетишига қатъиян йўл қўймаслик;

- ўқарикда қўйилган сув тўсгичлар (перемичкалар) ва эгатлар бошини полиэтилен плёнкалар билан сифатли мустаҳкамлаш ва ювилиб кетишига йўл қўймаслик (3.10-расм);



3.10-расм. Ўқарикдаги сув тўсгичлар ва эгатлар бошини полиэтилен плёнка билан мустаҳкамлаш

- полиэтилен, сомон ва бошқа материаллар билан мульчалаб экиш (3.11-расм). Бу тупроқдаги намни буғланишдан сақлайди, сувни тежайди, плёнка остидан униб чиққан бегона ўтларни куйдиради, тупроқни қиздиради ва экин учун эффектив ҳароратни оширади ҳамда ҳосилни камида бир ҳафта олдин пишишига шароит яратади;
- суғориш меъёрини экиннинг сувга бўлган талабига қараб, яъни ривожланиш фазасига қараб белгилаш ҳамда ўз вақтида амалга ошириш, азотли минерал ўғитлар билан озиқлантиришни томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизими орқали бериш. Бу сувни ва минерал ўғитларни тежайди, ҳосилдорликни оширади,



3.11-расм. Полиэтилен плёнка билан мульчанган экин майдони

- **сифон ва қувурчалардан** фойдаланиб суғориш (3.12-3.13-расмлар). Бунда эгатларга сув бир меъёрда таралади, экин текис сув ичади ва уларнинг бош қисмини ювилиб кетишдан сақлайди, сувни ва ишчи кучини тежайди, ҳосилдорликни оширади;



**3.12-расм. Эгатларга сувни
сифонлар билан тараш**



**3.13-расм. Эгатларга сувни
полиэтилен қувурчалар билан тараш**

- **кўчма эгилувчан қувурлардан** фойдаланиб суғориш (3.14-расм). Бу эгатларга сувни бир текис тараш ва уларнинг бошини ювилиб кетишдан сақлайди, ўқариқ ва шохларида сув йўқолишини кескин камайтиради, сувни 20–25 фоиз атрофида тежайди, ишчи кучини камайтиради;

замонавий суғориш технологияларидан фойдаланиш:

- тупроқнинг механик таркиби, экин тури, сув ва электр энергияси таъминотини эътиборга олиб, томчилатиб, ёмғирлатиб ёки дискрет суғориш технологияларидан бирини жорий қилиш. Бунда сув 25 фоиздан 40–45 фоизгача, минерал ўғит ва дизель ёқилғи сарфи 30–35 фоизга камаяди, ҳосилнинг пишиши 10–15 кунга тезлашади, ҳосилдорлик экин турига қараб 10–20 центнер ва ундан ортиқ кўтарилиши мумкин (3.15-3.16-расмлар);



3.14-расм. Кўчма эгилувчан кувурлардан фойдаланиб суғориш



3.15-расм. Ғўзани томчилатиб суғориш



3.16-расм. Дискретли суғориш

тунги суғоришни ташкил қилиш:

- фермер хўжалиги ва бошқа сув истеъмолчилари суғоришга берилган сувдан узлуксиз фойдаланади;
- тунги суғоришда сувчилар икки нафар бўлиб биргаликда сувдан самарли фойдаланишни таъминлайди;
- улар бошга ўрнатиладиган фонарь, кетмон ва зарур бўлса белкурак, шунингдек, иссиқ овқат билан таъминланади;

- сувчилар кеч қоронғи тушгунча бош сув олиш жойидан олинаётган сувнинг сарфини, экин майдонидаги барча шохариқлардан эгатларга сувнинг текис таралишини, ювилиб кетилмаганлигини, шунингдек, қуйи шохариқдан коллектор-дренажга сув тушиб кетмаганлигини назорат қилиб, аниқланган камчиликларни бартараф қилади;



3.17-расм. Спринклерли ёмғирлатиб суғориш



3.18-расм Кенг қамровли ёмғирлатиб суғориш

- бундай назорат ҳар 2-3 соатда такрорланади;
- назорат даврида бош сув олиш жойида сув камайиб ёки ошиб кетса, ўқариқ ва шохариқда сув кўп жойни уриб кетса ва уни бартараф қилишга кучи етмаса, фермер хўжалиги раҳбарига амалий ёрдамни ташкил қилиш учун тезкор хабар беради.

4. СУВНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИНИ ЮРИТИШ

4.1. Сувнинг кундалик мониторингини юритиш

Сувнинг кундалик мониторинги сув истеъмолчиларининг сув олиш жойларида юритилади.

Сув истеъмолчиларининг сув олиш жойлари белгиланган тартибда сувни бошқариш (дарвоза ёки сувни очиш ва ёпишни таъминловчи бошқа қурилма) ва ҳисобга олиш (гидропост, “онлайн” режимда ишлайдиган рақамли қурилма) воситалари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Сув истеъмолчиларининг сув олиш жойлари “онлайн” режимда ишлайдиган рақамли қурилмалар билан босқичма-босқич жиҳозланади ва маълумотларни узатиш бўйича дастурий таъминот билан таъминланади.

Сув истеъмолчилари (аҳоли томорқаси учун шу ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғини) сув олиш учун 10 кун олдин унга хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилот – Сув етказиб бериш хизмати давлат муассасасига ёзма равишда буюртманомани тақдим қилади.

“Сув етказиб бериш хизмати” ДМ уч кун муддатда тумандаги барча сув истеъмолчилари буюртманомаларини умумлаштиради, таҳлил қилади ҳамда бир кун муддатда сув истеъмолчиларига ажратилган сув олиш лимити ҳамда сув манбаининг сувлилик даражасидан келиб чиқиб сув олиш юзасидан хабарнома орқали рухсатнома беради ёки рад этади.

Сув етказиб бериш сув истеъмолчисининг сув истеъмолига тайёрлигини эътиборга олган ҳолда белгиланган режага асосан

ажратилган сув олиш лимити доирасида амалга оширилади.

Сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш учун “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ билан сув истеъмолчиси (аҳоли томорқаси учун шу ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғини) ўртасида 2-иловага мувофиқ шаклда сувнинг кундалик ҳисоб журнали юритилади.

Ушбу журналнинг ҳар бир варағи тикилган бўлиб, Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатга олинади.

Журнал ҳар бир сув олиш жойи бўйича икки (шартнома уч томонлама тузилган тақдирда уч) томонлама олиб борилиб, биттаси хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилотнинг ваколатли шахсида, иккинчиси сув истеъмолчисида (унинг ваколатли шахсида) сақланади.

Сувнинг кундалик ҳисобини юритувчи ваколатли шахслар “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ ва сув истеъмолчисининг алоҳида буйруқлари билан тайинланади.

Агар сув истеъмолчисининг сувни ҳисобга олиш жойи рақамли қурилма билан жиҳозланган бўлса, сувнинг ҳисоби хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилоти билан “онлайн” режимда амалга оширилади.

Сув истеъмолчилари (аҳоли томорқаси учун шу ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғини) ҳар куни соат 17⁰⁰ гача олинган сув миқдори ва нима мақсадда ишлатгани тўғрисидаги кунлик маълумотни белгиланган шаклга мувофиқ тайёрлайди ҳамда ёзма ёки электрон алоқа воситаси орқали “Сув етказиб бериш хизмати” ДМга юборади.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш

СХЕМАСИ

4.1-схема

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддат- лари
1-босқич	Сув истеъмолчиси (томорқа ер эгаларидан ташқари)	Сув олиш учун хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилот – “Сув етказиб бериш хизмати” ДМга ёзма буюртманома беради.	Сув олишдан 10 кун олдин
2-босқич	“Сув етказиб бериш хизмати” ДМ	Сув истеъмолчиларининг ёзма буюртманомаларини умумлаштиради, таҳлил қилади ҳамда ёзма буюртманомани тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига ёки ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига тақдим этади.	Уч кун муддатда
3-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси	Сув олиш учун буюртманомаларни умумлаштиради, таҳлил қилади ва ёзма буюртманомани Сув хўжалиги вазирлигига тақдим этади.	Бир кун муддатда
4-босқич	Сув хўжалиги вазирлиги	Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларига, шунингдек, тегишли хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилотлар (сув омборлари бошқармалари, магистрал канал (тизим) бошқармалари, алоҳида аҳамиятга эга сув хўжалиги ташкилотлари)га ажратилган сув олиш лимити ҳамда сув манбаининг сувлилик даражасидан келиб чиқиб, сув олиш юзасидан хабарнома орқали рухсат беради ёки рад этади.	Бир кун муддатда

5-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси	“Сув етказиб бериш хизмати” ДМга ва бошқа сув хўжалиги ташкилотларига ажратилган сув олиш лимити ҳамда сув манбаининг сувлилик даражасидан келиб чиқиб, сув олиш юзасидан хабарнома орқали рухсат беради ёки рад этади.	Бир кун муддатда
6-босқич	“Сув етказиб бериш хизмати” ДМ	Сув истеъмолчиларига ажратилган сув олиш лимити ҳамда сув манбаининг сувлилик даражасидан келиб чиқиб, сув истеъмолига тайёрлигини эътиборга олган ҳолда, сув истеъмоли режасига асосан ажратилган сув олиш лимити доирасида рухсат беради ёки рад этади.	Бир кун муддатда
7-босқич	Сув истеъмолчиси	Ҳар куни соат 17 ⁰⁰ гача олинган сув миқдори ва нима мақсадда ишлатгани тўғрисидаги кунлик маълумотни тайёрлайди ҳамда ёзма ёки электрон алоқа воситаси орқали “Сув етказиб бериш хизмати” ДМга юборади.	Ҳар куни соат 17 ⁰⁰ гача
8-босқич	“Сув етказиб бериш хизмати” ДМ	Сув истеъмолчилари томонидан берилган кунлик маълумотлар асосида ҳар куни соат 18 ⁰⁰ гача олинган сувдан фойдаланиш бўйича кунлик маълумотни тайёрлайди ва дастурий таъминотга киритади.	Ҳар куни соат 18 ⁰⁰ гача
9-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари	“Сув етказиб бериш хизмати” ДМнинг сувдан фойдаланиш бўйича кунлик маълумотларни дастурий таъминотга ўз вақтида ва тўғри киритилишини назорат қилиб боради.	Ҳар куни
10-босқич	Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилотлар	Дастурий таъминотнинг доимий ва узлуксиз ишлашини таъминлайди.	Доимий

11-босқич	“Сув етказиб бериш хизмати” ДМ, сув истеъмолчиси	1. Олинган сув миқдори юзасидан кундалик сувнинг ҳисоби тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилади. 2. Икки томонлама далолатномани расмийлаштиради. 3. Расмийлаштирилган далолатномани тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ёки ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига тақдим этади.	Ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 5-санасигача
12-босқич	“Сув етказиб бериш хизмати” ДМ	Солиқ базасини аниқлаш учун: қишлоқ хўжалиги, шу жумладан, балиқчилик бўйича сувни истеъмол қилувчи юридик шахслар томонидан ишлатилиши кутилаётган сув ресурслари ҳажми тўғрисидаги маълумотларни расмийлаштирилган далолатномалар асосида сув истеъмолчиларига;	Ҳар йили жорий солиқ даврининг 10 декабрдан кечиктирмай
		деҳқон хўжаликлари томонидан ишлатилиши кутилаётган сув ресурслари ҳажми тўғрисидаги маълумотларни тегишли солиқ органига тақдим қилади.	Ҳисобот даври учун кейинги йилнинг 20 январидан кечиктирмасдан
		Вегетация ва куз-қиш даври якуни билан — белгиланган тартибда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ёки ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига электрон шаклда ҳисобот тақдим этади.	Вегетация даври якуни билан 15 октябрдан ва куз-қиш даври якуни билан 15 апрелгача

4.2. Сувдан фойдаланиш бўйича ҳисоботлар юритиш.

Сув етказиб бериш хизмати” ДМ:

ҳар ой якунида сув истеъмолчиси (аҳоли томорқаси учун шу ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғини) билан юритилган кундалик сувнинг ҳисоби тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилади;

кейинги ойнинг 5-санасигача икки томонлама далолатнома расмийлаштиради;

расмийлаштирилган икки томонлама далолатномаларни Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига ва тегишли вилоят ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига тақдим этади.

солиқ базасини аниқлаш учун:

– қишлоқ хўжалиги, шу жумладан балиқчилик бўйича сувни истеъмол қилувчи юридик шахслар томонидан ишлатилиши кутилаётган сув ресурслари ҳажми тўғрисидаги маълумотларни расмийлаштирилган далолатномалар асосида – ҳар йили жорий солиқ даврининг 10 декабридан кечиктирмай сув истеъмолчи юридик шахсларга;

деҳқон хўжаликлари томонидан ишлатилиши кутилаётган сув ресурслари ҳажми тўғрисидаги маълумотларни – ҳисобот даври учун кейинги йилнинг 20 январидан кечиктирмай тегишли солиқ органига тақдим қилади.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

1. Республикамизда сув ресурси чекланган бўлиб ҳар бир фуқаро умуммиллий бойлик бўлган бу сувдан оқилона фойдаланиши лозим.

2. Фермер хўжаликлари ва бошқа сув истеъмолчилари сувдан фойдаланиш бўйича Қонун ва қонуности ҳужжатлари, уларда белгиланган тартиб ва қоидалар, хусусан, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сувдан фойдаланиш қоидалари бузилган тақдирда қонунчиликда белгиланган чоралар тўғрисида билим ва кўникмалари етишмайди.

Натижада, айниқса, сув хўжалигининг қуйи бўғинида сувдан фойдаланиш бўйича тартибга тўлиқ амал қилмаслик, экин майдонларини суғоришга сифатсиз тайёрлаш, сувни исроф қилиш, коллектор-дренаж тармоқларига ташлаб қўйиш, сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий қилишга етарли эътибор бермаслик ва бошқа камчиликлар кузатилмоқда.

3. Фермер хўжаликлари ва бошқа сув истеъмолчилари:

сувдан фойдаланиш бўйича белгиланган тартиб ва қоидаларни, хусусан, сувни тежашни, сув олиш ва уни истеъмоли қилиш бўйича шартномавий муносабатларни, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини, сувдан фойдаланиш қоидалари бузилган тақдирда қонунчиликда белгиланган тартибда кўриладиган чораларни пухта билиши;

биринчи тартибда бош сув олиш жойларини Сув етказиб бериш хизматидан рўйхатдан ўтказиши, уларни сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаши;

сув олиш ва сувни истеъмол қилиш бўйича шартнома расмийлаштириши;

сувни тежаш бўйича барча чораларни кўриши, хусусан, экин

майдонини лазер қурилмали текислагич билан текислаши, ўқариқ ва шохариқларни ер нишаблиги, механик таркиби ва экин турини эътиборга олиб мақбул оралиқларда сифатли олиши;

ҳар 5 га суғориладиган майдонга ёки оладиган ҳар 5 л/с сувга камида бир нафар тажрибали сувчини бириктириши, сувчиларга далада зарур шарт-шароит яратиб бериши, ўз вақтида иш ҳақи ва қўшимча равишда рағбатлантириб бориши;

туңги суғоришни ташкил қилиши;

сувни экин майдонида қўллаб қолишига ҳамда коллектор-дренаж тармоғига ташлаб қўйилишига асло йўл қўймаслиги;

экинлардан юқори ҳосил олиш, сув, минерал ўғит, ёқилғи-мойлаш материаллари ва иш кучи ресурсини тежаш ҳамда даромадни ошириш учун сувни тежайдиган замонавий суғориш технологияларини (томчилатиб, ёмғирлатиб ёки дискретли суғоришни) жорий қилиши;

сув олиш учун Сув етказиб бериш хизматига 10 кун олдин буюртма бериши, сувни бошқариши ҳамда ўз вақтида ҳисобини юритиши;

сувни тежаш бўйича қилинган харажатларнинг бир қисмини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмидан самарали фойдаланиши тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” 1993 йил 6 майдаги 837-XII-сон Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6024-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-145-сон қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5-сон қарори қабул қилинди.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 82-сон қарори.
8. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги “Қишлоқ

хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва сувни етказиб бериш бўйича харажатларни қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 310-сон қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 апрелдаги “Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 174-сон қарори.
10. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 апрелдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 196-сон қарори.

1-илова

Сув истеъмоли бўйича шартнома намунавий шакли

СУВ ИСТЕЪМОЛИ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА

20__-йил “____” _____-сон

_____ (шартнома тузилган ҳудуд номи)

Ушбу шартнома _____ “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси (кейинги ўринларда – давлат муассасаси) номидан Низом асосида иш юритувчи директор _____ бир томондан, _____ фермер хўжалиги (кейинги ўринларда – “**сув истеъмомчиси**”) номидан иш юритувчи раҳбар _____ иккинчи томондан, ўзаро сувни етказиб бериш ва қабул қилиб олиш бўйича шартнома тузилди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Тарафлар сув етказиб бериш ва қабул қилиб олишда Ўзбекистон Республикаси “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 5-январдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2013-йил 19-мартдаги 82-сон “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги, 2021-йил 3-апрелдаги 174-сон “Сувдан фойдаланиш ва сув истемоли ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2024-йил

7-октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 645-сон ва 2024-йил 9-февралдаги “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 79-сон қарорлари ва бошқа амалдаги қонунчилик талабларига қатъий риоя қиладилар.

II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. Давлат муассасаси сув бериш тартиби сув истеъмолчиларининг буюртманомасига асосан сув, олиш лимити ҳамда сув манбаининг сувлилик даражасидан келиб чиқиб ўрнатилади.

2.2. Давлат муассасаси сув етказиб бериш халқ депутатлари туман Кенгашларидан тасдиқланган миқдор ва муддатларда сувни **“сув истеъмолчиси”**га етказиб беришни, **“сув истеъмолчиси”** эса ушбу шартнома шартларига риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2.3. Давлат муассасаси томонидан **“сув истеъмолчиси”**га етказиб бериладиган сувнинг миқдори, манбаси ва муддатлари халқ депутатлари туман Кенгашлари қарорлари билан тасдиқланган лимитда келтирилади.

Сув олиш лимитлари Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳамда ҳудудий қишлоқ хўжалиги бошқармалари томонидан ҳар йили **1-апрелга қадар** вегетация даври учун ва **1-октябрга қадар** куз-қиш даври учун якуний истеъмолчилар кесимида экинларни суғориш учун сув олиш лимитларини ҳудудлар бўйича тасдиқланган лимит доирасида ишлаб чиқилади ва халқ депутатлари туман Кенгашлари қарорлари билан тасдиқланади.

2.4. **“Сув истеъмолчиси”**га сув бериладиган жойлар сувни

бошқариш (дарвоза) ва уни ўлчаш (гидропост) воситалари билан жиҳозланган бўлиши, улар эса таъмирланган, паспортлари ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган, Давлат муассасаси томонидан рўйхатдан ўтказилган ҳамда гидропостлар шаҳодатланган бўлиши зарур.

III. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Давлат муассасасининг ҳуқуқлари:

– **“Сув истеъмолчиси”** га белгиланган сув олиш лимитларига ўзгартириш киритиш учун халқ депутатлари туман Кенгашларига таклиф киритиш (*манбаларнинг сувлиги камайган ҳоллар бундан мустасно*);

– манбаларда сув ҳажми камайган ёки кўпайган ҳолатларда сув олиш лимитларига, юқори турувчи ташкилотнинг рухсати билан, сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш режасининг параметрлари ўзгартирилмасдан, тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин;

“Сув истеъмолчиси” томонидан сув олиш ҳамда олинган сувнинг ҳисобини юритишда асоссиз бош тортиш, давлат сув хўжалиги иншоотидан фойдаланиш тартиблари бузилган тақдирда:

– **“Сув истеъмолчиси”**ни белгиланган тартибда ёзма равишда огоҳлантириш;

– сув беришни камайтириш ёки вақтинчалик тўхтатиб қўйиш;

– тартиб бузарликлар натижасида етказилган зарарни тўлаб бериш ёки **“сув истеъмолчиси”**га нисбатан зарур чора кўриш юзасидан тегишли идораларга ёзма мурожаат киритиш;

– **“Сув истеъмолчиси”** томонидан сувнинг ҳисоби юритилишини талаб қилиш;

– **Давлат муассасаси** қонунчилик ҳужжатларига ва ушбу шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.2. Давлат муассасасининг мажбуриятлари:

– **“сув истеъмољчиси”**га халқ депутатлари туман Кенгашлари қарорлари билан тасдиқланган ажратилган сув олиш лимити миқдорида ўз вақтида сув етказиб беришни таъминлайди;

Лимит бўйича сувни рўйхатга олинган сув олиш жойларидан ажратишни (беришни) амалга оширади;

“сув истеъмољчиси”нинг сув олиш жойларидаги сув хўжалиги иншоотларини сувни ўлчаш воситаларини белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилишини таъминлайди;

– манбада сув камайган ёки кўпайган ҳолларда, енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (*форс-мажор*) юз берганда ҳамда _____ ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан лимитларга ўзгартиришлар киритилганда **“сув истеъмољчиси”**ни хабардор қилади;

– манбада сув камайган тақдирда сувдан навбатлаб фойдаланиш (*навбатлаб суғориш графиклари ишлаб чиқиш ва туман ҳокимлигидан тасдиқлатиш*) ва сувни иқтисод қилиш бўйича бошқа чора-тадбирларни кўради;

– **ҳар куни соат 7⁰⁰ ва 19⁰⁰ ларда “сув истеъмољчиси”**нинг ваколатли шахси билан сув бериладиган жойларда сувнинг ҳисобини юритади ҳамда **ҳар ойда ўзаро** далолатнома расмийлаштиради;

– **“сув истеъмољчиси”**га берилган сув ресурсларидан гидрография принципига ёки сув ресурсларини оқилona бошқариш ва фойдаланишни ҳамда суғориш тармоқларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар беради.

Давлат муассасаси қонун ҳужжатлари ва ушбу шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажаради.

3.3. “Сув истеъмољчиси”нинг ҳуқуқлари:

- тасдиқланган сув олиш лимити асосида **Давлат муассасасидан** сув беришни талаб қилиш;
- экин майдонлари, суғориш тармоқлари сув олишга тайёр

бўлмаганда сув олишдан воз кечиш ёки уни **Давлат муассасаси** билан келишган ҳолда бошқа муддатга кўчириш;

- Давлат муассасасидан манба бўйича сув хўжалиги ҳолати ва таъминот даражаси тўғрисидаги ахборотларни олиш;
- манбадаги сув ресурсларидан самарали фойдаланиш тўғрисида таклифлар киритиш;
- берилаётган сувнинг миқдори текшириш;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, сувдан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома бўйича олинмай қолган сув учун қонунчилик талабларидан келиб чиқиб, олинмаган сув учун солиқ тўлашдан бош тортиш;
- манбанинг тахмин қилинган ва ҳақиқий сувлилигидан келиб чиққан ҳолда, сув олиш лимитларини ўзгартириш бўйича таклифлар киритиш;
- ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши, шу жумладан, белгиланган сув олиш лимитлари ва сув олиш ҳуқуқининг бузилиши туфайли етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш.

“Сув истеъмолчиси” қонун ҳужжатларига ва ушбу шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.4. “Сув истеъмолчиси”нинг мажбуриятлари:

- ажратилган сув лимитидан сувдан фойдаланиш режасида белгиланган мақсадларда самарали фойдаланишни, экин майдонларидан ва суғориш тармоқларидан сувни беҳуда ташлаб юборишга йўл қўймасликни таъминлайди;
- ўзига тегишли сув олиш жойларидаги (сув истеъмолчиси балансидаги) сув иншоотларини сувни ўлчаш воситалари билан жиҳозлайди;
- сув объектлари ва сув ресурслари қандай мақсадлар учун

фойдаланишга берилган бўлса, фақат шу мақсадларда фойдаланади;

- сув олиш юзасидан меъёр бўйича сувдан фойдаланиш режасини ишлаб чиқади;
- ўзига тегишли сув етказиб беришда фойдаланиладиган суғориш тармоқлари ва бошқа сув объектлари, улардаги сув тақсимлаш иншоотлари, сув ўлчаш воситаларидан эҳтиёткорона ва оқилона фойдаланади, уларни ўз вақтида таъмирлайди ҳамда бетонлаш ишларини ташкил қилади;
- **давлат муассасасидан** сув олиш учун, тасдиқланган сувдан фойдаланиш лимитига асосан, ўн кун олдин ёзма буюртманома расмийлаштириб, **Давлат муассасасига** тақдим этиб боради;
- – **ҳар куни соат 7-00 ва 19-00 ларда** Давлат муассасасининг ваколатли мутахассиси билан кундалик сувнинг ҳисобини юритиб, сувдан қандай мақсадларда фойдаланилаётганлиги тўғрисида **Давлат муассасасига** маълумот тақдим этиб боради ҳамда **ҳар ойда ўзаро далолатнома** тузади;
- – олинган сувни иқтисод қилувчи илғор тажрибаларни ва технологияларни (*томчилатиб, ёмғирлатиб ва дискрет*) жорий қилиш ишларини кенгайтиради, сувнинг самарадорлигини ошириш чораларини кўриб боради;
- енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (*форс-мажор*) юз берганда, **Давлат муассасасининг** сўрови билан бундай ҳолатларнинг оқибатларини бартараф этишда техника ва ишчи кучи билан иштирок этишни ташкил қилади;
- **“Сув истеъмолчиси”** қонун ҳужжатлари ва ушбу шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажаради.

IV. ШАРТНОМА БАЖАРИЛИШИ

4.1. Сувобъектларидан суволиш фақат “Сув истеъмолчиси”нинг

ёзма буюртманомалари бўйича унинг сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолига тайёрлигига кўра, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режаси асосида, сув манбаининг сувлилик даражасидан келиб белгиланган сув олиш лимити доирасида амалга оширилади.

4.2. Сув ресурслари олиш юзасидан буюртманомалар **“Сув истеъмолчиси”** томонидан **Давлат муассасасига**, сув олиш бошланишидан **10 (ўн) кун олдин** белгиланган шаклда, сув олишнинг аниқ жойлари ва муддатлари (*сув олишнинг бошланиши ва тугаши*), шунингдек, олинадиган сув миқдори, ундан фойдаланиш ёки уни истеъмол қилишнинг мақсади кўрсатилган ҳолда, берилади.

4.3. Сув манбаидан сув олиш учун, буюртманомада кўрсатилган сув ресурслари миқдори тасдиқланган сув олиш лимитидан ва ҳисоб-китоб меъёридан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.4. Сув ресурсларини олиш ҳажмини камайтириш ёки тўхтатиш зарур бўлган тақдирда, **“Сув истеъмолчиси”** ушбу ҳолат тўғрисида *Давлат муассасасига ёзма равишда (авария ҳолатларида телефон орқали)* хабар қилиши керак.

4.5. **“Сув истеъмолчиси”**га сув бериладиган суғориш тармоқлари бетонланган, сувни бошқариш (*дарвоза*) ва уни ўлчаш (*гидропост*) иншоотлари билан жиҳозланган бўлиши, улар эса таъмирланган, паспортлари ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган, кимнинг тасарруфида бўлса шу сув хўжалиги ташкилоти томонидан рўйхатдан ўтказилган, гидропостлар шаҳодатланган бўлиши керак.

4.6. Сувнинг ҳисоби **Давлат муассасаси** ҳамда **“Сув истеъмолчиси”**нинг ваколатли мутахассислари томонидан олиб борилади.

4.7. **“Сув истеъмолчиси”**га етказиб берилган сув ҳисоби бўйича ҳисоб-китоблар Солиқ кодекси ва бошқа қонунчилик талаблари доирасида амалга оширилади.

V. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 5-январдаги ПҚ-5-сон “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талабларидан келиб чиқиб, **“Сув истеъмолчиси”** томонидан истеъмол қилинган сув миқдори ҳисобини юритмаган (юритишдан бош тортган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари учун сув солиғи базаси халқ депутатлари туман Кенгашлари томонидан тасдиқланган лимитларга нисбатан икки баробар оширилган ҳолда ҳисобланади.

Шунингдек, тарафлар томонидан ушбу шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Солиқ кодекслари, Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги ва “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2013-йил 19-мартдаги 82-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги низом” ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига асосан жавобгарлик чоралари қўлланилади.

VI. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРТЛАРИ

6.1. Томонлар амалдаги коррупцияга қарши курашиш борасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш ва ушбу шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ ҳолда коррупцияга қарши курашиш борасидаги қонун ҳужжатларини бузадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмаслик, шу жумладан, ноқонуний тўловлар таклиф қилмаслик, бундай тўловларга рухсат бермаслик, ваъда қилмаслик, шунингдек, ҳар

қандай жисмоний ёки юридик шахсларга, шу жумладан, (лекин улар билан чекланмаган ҳолда) тижорат ташкилотларига, давлат ва ўзини ўзи бошқариш органларига, давлат хизматчиларига, хусусий компанияларга ва уларнинг вакилларига нақд пул ёки бошқа шаклда (лекин чекланмаган ҳолда) пора бермаслик ва пора талаб қилмаслик ҳамда қонунга хилоф бошқа хатти-ҳаракатлар содир этмаслик мажбуриятини оладилар.

6.2. Томонлардан бири ушбу бандда кўрсатилган мажбуриятларни бузган тақдирда, бошқа томон бир томонлама ва судгача бўлган тартибда ушбу шартномани бажаришни рад этишга ҳақли. Ушбу бандга мувофиқ шартнома бекор қилинган тақдирда томонлар бир-бирларига компенсация тўламайдилар.

VII. ФОРС-МАЖОР

7.1. Тарафлардан бири шартномани форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (*фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар*) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

7.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида тарафлар зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

7.3. Агар форс-мажор ҳолати шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат талаб қилса, томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Ушбу шартнома тарафлар томонидан имзолангандан сўнг кучга киради ҳамда қишлоқ хўжалиги бўлимлари томонидан ҳисобга олинади (*сув етказиб берувчи ташкилотлар ва сув истеъмолчилари*

ўртасида расмийлаштирилган далолатномаларни ҳар ой якуни билан электрон шаклда тўлдириш ҳамда электрон рақамли имзолар орқали тасдиқлаш имконини берувчи "Suv-hisobi" ахборот тизими орқали тузилган шартномалар тенг кучга эга ҳисобланади).

Шартнома номуайян муддатга амал қилади.

8.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган уч нусхада тузилган. Шартноманинг қўшимча келишув битимлари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартноманинг шартларини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш томонлар ўртасида қўшимча келишув тузиш йўли билан амалга оширилади.

9.2. Қўшимча келишувни тузиш шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, шундай шаклда амалга оширилади ва томонларнинг ваколатли вакиллари имзолаганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

Агарда қўшимча келишув тузишга музокаралар йўли билан эришилмаса Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига асосан суд тартибида ҳал этилади.

9.3. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома шартларининг бажарилиши ва шартномага оид бошқа ҳолатлар юзасидан келиб чиқадиган низолар тарафларнинг ўзаро келишуви орқали ҳал қилинади.

10.2. Тарафлар томонидан низолар бўйича ўзаро келишувга эришилмаса, шунингдек, етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд томонидан

кўриб чиқилади.

ХІ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

11.1. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 (уч) нусхада тузилади.

11.2. Мазкур шартномага тегишли ўзгартириш киритиш ёки бекор қилиш тарафлар ўртасида тузиладиган қўшимча ёзма келишув асосида амалга оширилади. Шартномани бир томонлама бекор қилишга йўл қўйилмайди.

ХІІ. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“СУВ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ”

_____ “Сув етказиб

бериш хизмати” давлат муассасаси

Марказий банк Тошкент ш. ХККМ

Х/Р: _____

МФО: _____

СТИР: _____

Директор _____ (Ф.И.Ш)

имзо, муҳр

“СУВ ИСТЕЪМОЛЧИСИ”

_____ фермер

хўжалиги _____ банк _____ туман

филиали

Х/Р: _____

МФО: _____

СТИР: _____ (кўрсатилиши

шарт)

Раҳбари _____ (Ф.И.Ш)

имзо, муҳр

_____ туман қишлоқ хўжалиги бўлими томонидан 2024-йил “_____” _____ - рақам билан рўйхатдан ўтказилди.

_____ туман қишлоқ хўжалиги

бўлими бошлиғи _____

М.О. (имзо) (Ф.И.О.)

2-илова

Сувнинг ҳисоб журнали намунаси

_____ (“Сув етказиб бериш хизмат” ДМ номи)
ҳамда _____ (сув истеъмолчиси номи)

Ўртасида сувнинг кундалик ҳисоб ЖУРНАЛИ

Сув манбаи номи _____
 (ирригация тизими канали, суғориш тармоғи, суғориш қудуғи, бошқалар) Сув
 олиш жойининг манзили _____
 _____ (пикет, суғориш қудуғи рақами)

Ушбу сув олиш жойи	_____ ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан 20__ йил “__” _____ да _____ - сон билан рўйхатга олинган _____ (имзо, сана, муҳр)
Ушбу журнал	Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг _____ вилоят бошқармаси (туман бўлими) томонидан 20__ йил “__” _____ да _____ — сон билан рўйхатга олинган. _____ (имзо, сана, муҳр)

Эслатма:

Ушбу журнал тикилган ҳолда ҳар бир сув бериш жойи бўйича икки (шартнома уч томонлама тузилган тақдирда уч) томонлама олиб борилиб, биттаси хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилот вакилида, иккинчиси сувдан фойдаланувчи ва сув истеъмолчисининг ваколатли шахсида сақланади.

Сув истеъмолчилари (агрокластер, фермер ва деҳқон хўжаликлари ва бошқалар) ва «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасаси ўртасидаги, шунингдек, «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасаси ва ирригация тизими (магистрал канал ёки тизим) бошқармаси ўртасидаги сувнинг кундалик ҳисоб журнали тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида рўйхатга олинади.

Сувнинг кундалик ҳисобини юритувчи ваколатли шахслар

Томонлар	Фамилияси, исми ва отасининг исми	Лавозими	Имзо намунаси
Магистрал канал (тизим) дан фойдаланувчи ташкилот томонидан*			
Хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилот томонидан			
Сувдан фойдаланувчи ёки сув истеъмолчиси томонидан			

Изоҳ.

* Магистрал канал (тизим)дан сув истеъмолчилари уюшмалари ёки сувдан бошқа фойдаланувчи ва сув истеъмолчиси тўғридан-тўғри сув оладиган ҳолларда, сувнинг кундалик ҳисоби уч томонлама олиб борилади.

Сувнинг кундалик ҳисоби билан шуғулланувчи ваколатли шахслар хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилот ҳамда сувдан фойдаланувчи ёки сув истеъмолчиларининг тегишли буйруқлари билан расмийлаштирилиши лозим.

_____ канали (суғориш тармоғи)даги _____ сув олиш жойи
гидропостининг сув сарфини аниқлаш

ЖАДВАЛИ

[illegible]

Жадвалга киритилган аниқликлар

T/p	Ўлчов ўтказилган вақт	H, м	Q, м ³ /с	Аниқлик, ±, - см	Аниқлик киритган ваколатли шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми	Нима сабабдан тузатиш киритилди	Имзо
1.							
2.							
3.							
4.							
5.							
6.							
7.							
8.							
9.							
10.							
11.							
12.							
13.							
14.							
15.							
16.							
17.							
18.							
19.							
20.							
21.							
22.							
23.							
24.							
25.							

26.							
27.							
28.							
29.							
30.							
31.							

20 __ йилнинг _____ оyi

Кун	Сув очилган вақт	Сув сарфи, м3/с		Сув ёпилган вақт	Ўртача сув сарфи, м3/с	Сув олиш даври, соат	Шу даврда жами олинган сув, минг м3	Имзолар	
		соат 7-8	соат 18-19					таъминотчи	истеъ-молчи
1.									
2.									
3.									
4.									
5.									
6.									
7.									
8.									
9.									
10.									
Жами биринчи ўн кунликда: лимит/амалда									
11.									
12.									
13.									
14.									
15.									
16.									
17.									

18.									
19.									
20.									
Жами иккинчи ўн кунликда лимит/амалда									
21.									
22.									
23.									
24.									
25.									
26.									
27.									
28.									
29.									
30.									
Жами учинчи ўн кунликда лимит/амалда									
Жами ой давомида лимит/амалда									
Жами 20____йил вегетация/ новегетация даврида									

This image shows a single page of white paper with horizontal blue or grey ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page, leaving small margins at the top and bottom. There is no handwriting or other markings on the paper.

This image shows a single page of white paper with horizontal blue or grey ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page, leaving small margins at the top and bottom. There are no vertical margin lines, and the page is completely blank except for the lines themselves.

[illegible]

This image shows a single page of white paper with horizontal ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There are no margins, text, or other markings on the paper.

This image shows a single sheet of white paper with horizontal ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There are no margins, text, or other markings on the paper.

[illegible]

This image shows a single sheet of white paper with horizontal ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There are no margins, text, or other markings on the paper.

This image shows a single sheet of white paper with horizontal ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There are no margins, text, or other markings on the paper.

[illegible]

This image shows a single page of white paper with horizontal blue or grey ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page, leaving small margins at the top and bottom. There is no handwriting or other markings on the paper.

C 95

Сувдан фойдаланиш тартиб [Матн]. – Тошкент:

O'qituvchi nashriyoti, 2025. – 88 б.

ISBN: 978-9910-8044-1-0

КБК 26.35(5Ў)

УЎК 556.38(575.1)(072)

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчиси “Агробанк” АТБ

Сув китоб тўплами

Сувдан фойдаланиш тартиби

2-китоб

Муҳаррир-мусахҳиҳ

Ш. Бекназарова

Саҳифаловчилар:

Ш.Одилов, А.Камилов

Дизайн

С.Дониёров

“O'qituvchi” нашриёти

Тошкент – 2025

Нашриёт лицензияси: № 611547.

Босишга _____.2025 да рухсат этилди.

Бичими 60x84 ¹/₁₆. ALS Agrofont гарнитураси.


Офсет босма усулида чоп этилди.

Адади 2000 нусха.

Буюртма рақами _____.

“Kolopak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳар, Янги шаҳар кўчаси, 1^А.



“Сувчилар мактаби”

орқали замонавий сув тежамкор
технологиялар бўйича хорижий
билимларга эга бўлинг



📞 1319

🌐 suvchimaktabi.uz

📷 [suvchilar_maktabi](https://www.instagram.com/suvchilar_maktabi)

📍 [suvchilar_maktabi](https://www.instagram.com/suvchilar_maktabi)

☎ 1216
🌐 agrobank.uz
📍 @agrobankchannel
f /agrobankuzbekistan
📷 agrobank_uz

